

Тақийюддин Набаҳоний

ТОПҚИРЛИК

**ҲИЗБУТ ТАҲРИР
НАШРЛАРИДАН**

1425ҳ - 2004м

Оят таржимасининг маъноси

Шу нарсa эътироф қилиниши лозимки, Қуръон ояти деб араб тилидаги матнгагина айтилади. Ушбу китоб ичида *курсив* қилиб ўзбек тилида келтирилган матн оятлар таржимасининг маъносидир.

ﷻ - соллоллоҳу алайҳи ва саллам

ﷻ - разияллоҳу анҳу / анҳо

ﷻ - алайҳис-салом

Тақийюддин Набаҳоний. Топқирлик

Ўзбек тилидаги биринчи нашри

1425 ҳижрий – 2004 милодий йил

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

ТОПҚИРЛИК

Топқирлик бу – нарсаларни тезда англаб олиб, улар устидан тезда ҳукм чиқаришдир. Масалан, сиздан биров: «Сиз қаердансиз?» - деб сўраса, сиз унинг нима мақсадда сўраётганини, бу савол ортида нима ётиши мумкинлигини тезда англаб, унинг устидан тезда ҳукм чиқарсангиз, демак, сиз топқирсиз. Бундай ҳолда шу топқирлигингизга қараб унга жавоб берасиз. Яна бир мисол: Шаҳарга бир мансабдор шахс келаётгани хусусидаги хабарни эшитганингиз заҳоти бу ташрифнинг ғоясини тезда англаб олсангиз, демак, сиз топқирсиз. Шу топқирлигингизга қараб қилишингиз лозим бўлган ишларни белгилаб оласиз. Яна бир мисол: Олдингизга кутмаган одамингиз тўсатдан келиб қолса, сиз тезда унинг келиш сабабини англаб олсангиз, демак, сиз топқирсиз. Шу топқирлигингизга қараб муносиб кутиб оласиз.

Демак, топқирлик гарчи тез англаш ва тез фикр юритиш маъноларини англатса-да, у сизга рўбарў бўлаётган иш устидан тез ҳукм чиқаришингиздир. Чунки тез англаш ва тез фикр юритишдан мақсад тез ҳукм чиқаришдир. Шундай қилиб, топқирлик нарсалар устидан тез ҳукм чиқариш бўлади. Чунки нарсалар устидан ҳукм чиқариш – гарчи англаш ва фикр юритиш натижасида юзага келса-да – англаш ёки фикр юритишнинг ўзидир.

Топқирлик табиий ёки туғма идрок қилишдир.

Унинг луғавий маъноси қандай бўлишидан қатъий назар, бу ўринда ундан кўзда тутилган нарса табиий ёки туғма ҳукм чиқариш ва табиий ёки туғма англашдир. Табиий ёки туғма деганимнинг сабаби шуки, бу ишда бироз фурсат ва зеҳни ишлатишга эҳтиёж сезилмайди. У ўз-ўзидан, техник тарзда содир бўлади. Гўё хабарнинг келиши ё саволнинг берилиши ёки тўсатдан бир иш бўлишининг ўзиёқ англаш ёки фикр юритиш тақозо этган ҳамма нарсанинг ўрнини эгаллаб, ўша заҳоти ҳукм чиқариб беради. Шунинг учун топқирлик ёки тез суратда ҳукм чиқариш чуқур ёки ёрқин фикр юритиш билан қарама-қарши бўлмаса-да, аста-секин фикр юритиш билан қарама-қаршидир. Чунки унинг эътиборли жойи манба эмас, тезликдир. Масалан, «Сиз қаердансиз?», деб берилган саволда савол берувчи, савол оҳанги ва шароит хусусида тезда фикр юритиб, унинг мақсадига етиб боргансиз. Бу чуқур тафаккур қилишдир. Чунки савол, савол берувчи ва шароит хусусида фикр юритиш, ундаги мақсад ва ғояга етиб бориш осон эмас. Демак, бу ердаги

топқирлик чуқур фикр юритишдан ҳосил бўлди. Яна бир мисол – кимнингдир келаётгани хусусидаги хабарни эшитганингиз заҳоти келувчи, унинг давлати, бу ташрифдан аввал бўлиб ўтган ишлар ва унинг натижасида содир бўладиган ишлар тўғрисида фикр юритиб, ундан кўзланган мақсадни илғаб олишингиз ёрқин фикр юритишингиздир. Чунки сиз нарсанинг ўзи, унинг атрофидаги нарсалар ва унга алоқадор нарсалар ҳақида фикр юритиб, ҳукмингизни чиқардингиз. Демак, бу ердаги топқирлик ёрқин фикр юритишдан ҳосил бўлган. Яна бир мисол – кимнингдир тўсатдан келиб қолишидан ажаблангансиз. Мана шу ажабланишингиз сизни ундаги мақсадни англашга олиб борган. Бу чуқур ҳам, ёрқин ҳам эмас, оддий фикр юритишдир. Лекин топқирликни англаш ёки фикр юритишнинг ўзи эмас, балки уларга асосланган тез ҳукм чиқариш вужудга келтиради. Шунга биноан, топқирлик тез фикр юритишдан ҳосил бўлади. Унинг чуқур ё ёрқин ёки оддий бўлишининг фарқи йўқ. Муҳими фикр юритиш манбаи эмас, тезликдир.

Шунга кўра, топқирлик аста-секин фикр юритишга зид келади, лекин чуқур, ёрқин ва оддий фикр юритишга зид келмайди. Чунки бу ерда муҳими тезлик, холос. Топқирлик халқлар, миллатлар, шахслар, жамоалар ва гуруҳларнинг ҳаммаси учун зарурий бир ишдир. Чунки бошқа шахслар билан ё бошқа миллат ва халқлар билан ёки ишларни бошқаришда ҳаёт уммонига шўнғиш усиз бўлмайди. Зеро, ҳаёт дея аталмиш жангда зафар қучиш учун икки иш зарур. Улардан бири – нарсалар устидан тезда ҳукм чиқариб, ўшанга яраша иш тутиш. Шундай қилинмаса, муваффақиятсизликка учраб, ҳаёт юки оғирлашиб боради. Замон ўтгани сари тўсиқлар кўпайиб, юк янада оғирлашиб боради. Бу ҳолат ҳаёт жангида ютқазिशга олиб боради. Иккинчиси эса ҳаёт жангида кишини поғонама-поғона юқорига тез олиб чиқадиган нарса унга берилган фурсатлардир. Шу фурсатлар билан у масофаларни кесиб ўтади. Фурсатни ганимат билмаса, ўтиб кетиб қолади. Қайтиб келмаслиги ҳам мумкин. Шу билан ундан фойдаланишдан маҳрум бўлади. Фурсатлар кетма-кет бой берилаверса, ривожланишдаги суръат йўқолиб, ўрнида тўхтаб, қотиб қолади ва ҳаёт жангида мағлуб бўлади. Ҳаммасига сабаб топқирликнинг етишмаслигидир. Шунинг учун ҳам ҳаёт жангида зафар қучиш учун топқирлик зарурий бир ишдир. У таълим, тафаккур, тайёргарлик, ихтиро, саноат, тижорат, зироат ва бошқа ишлар билан ҳаёт жангида ғолиб бўлиш учун керак бўлади. Агар уларга топқирлик ҳамроҳ бўлмаса, уларнинг қадр-қиммати қолмайди. Давлатлар, халқлар ва миллатлар жанг майдонида душманни ишга яроқсиз қилиб қўйишга эътиборларини

қаратадилар. Бу борада эса топқирликдан кўра эътиборлироқ омил йўқдир. Шу туфайли улар, яъни халқлар, миллатлар ва давлатлар душманни ишлаб чиқаришга қурби етмайдиган, бирин-кетин ҳамма фурсатларни бой берадиган фалаж ҳолатига келтириш учун ундан топқирликни олиб ташлашга аҳамият берадилар.

Ана шу пайтда ғолиб бўлиш, мустамлака қилиш, зўрлигини ва нуфузини ўтказиш енгил кечади. Ғарб – гарчи Ислом диёри ва Исломий Давлат фуқароларига қарши маданий-маърифий жанг бошлаган бўлса-да – салтанатини кенг ёйиб олгач, топқирликни йўқотиш мақсадида уларни фикр қилиш, ақл ишлатишларга қизиқтира бошлади. Бу борада мислсиз муваффақиятга эришди. Миллат фалаж ҳолатига етай деб қолди. Одамлар чуқур фикр юритиш, пухта ўйлаш, яхшилаб мулоҳаза қилиш, шошилмаслик каби нарсаларга ўралашиб қолиб, ҳаёт жангида ғалабани бой бердилар. Қанча қўзғолонлар ва урушларга қарамасдан, мустамлака салтанати ва нуфузини ҳайдаб юбора олмадилар. Чунки улар кичикми, каттами ҳар бир муаммода чуқур фикрлашу пухта ўйлашларга муккадан кетиб, фурсатни қўлдан бой бердилар. Қанча фурсатлар бой берилди. Уларни ғанимат билмадилар. Натижада поғонама-поғона юксалиш барбод бўлди. Бориб-бориб механик фалсафаларга ғарқ бўлдилар. Ишлар чигаллашди, аниқлик йўқолди. Бу механик фалсафаларга муккадан кетишнинг оқибати эди. Тўғри, шундай ишлар борки, улар хусусида фалсафий мушоҳада қилмай илож йўқ. Улар тикланиш, озодлик, моҳирлик ва шунга ўхшаш мураккаб ишлардир. Уларни чуқур тадқиқ қилиш, ҳозир билан кифояланмаслик, фалсафий мушоҳада юритиш зарур. Курси, пиёла, товоқ каби очиқ кўриниб турган, фикр юритишнинг ҳожати бўлмаган нарсалар хусусида эса чуқур тафаккур қилиш ва фалсафий мушоҳада юритиш тўғри эмас. Уларни шундайлигича қабул қилиб, номини айтишнинг ўзи билан кифояланиш керак. Механик фалсафа ёки механик тафаккур ҳеч қандай махфий жойи бўлмаган, номини айтишнинг ўзи билан тушунилиб кетаверадиган очиқ кўриниб турган нарса хусусида фалсафий мушоҳада юритишдир. Масалан, курси бу – курси. У хусусда фалсафий мушоҳада қилиб, чуқур фикр юритсангиз, чигаллик ортиб, уни тушунмайдиган бўлиб қоласиз. У ҳақда фалсафий мушоҳада юритишингиз қанчалик кўп бўлса, чигаллик ҳам шунчалик ортиб боради. Ғарб бизга ақл ишлатиш, фикр юритиш, пухта ўйлаш, яхшилаб ўрганиш, етти ўлчаш каби ишларни чиройли қилиб кўрсатди. Шу билан биз топқирлигимизни йўқотдик. Бу ҳам етмагандай, механик фалсафага ўтиб олдик. Айримларга: «Муғомара қилинглар, нега муғомара қилмайсизлар?»,

дейилди. «Муғомара» сўзи «ўйлаб ўтирмасдан бир ишни қилиш», «ўзни хавфга солиш» маъносини англатади. Лекин улар муғомарани ҳам механик фалсафага солиб: «Биз арзимас, кераксиз муғомара билан эмас, пухта ўйланган, яхшилаб ўрганган муғомара билан шуғулланамиз», дейишди. Бу гаплари муғомара фалсафаси бўлиб, у ҳам механик фалсафа қабилидандир. Агар сиз муғомара хусусида фикр юритиб, уни яхшилаб ўрганган бўлсангиз, у муғомара бўлмай қолади. Муғомара фалсафаси у тўғрисидаги тасаввурни бегоналаштириб, уни ўз моҳиятидан чиқариб юборади. Механик фалсафа ҳам шундай. Агар одамлар ўзларидан ўзлари механик фалсафа йўлидан юрадиган бўлиб қолсалар, улар учун топқирлик бегонадир.

Тўғри, фикр юритиш, пухта ўйлаш зарур. Қадимда «Шошқалоқлик шайтондандир», дейилган. Лекин у ўрганишга, тадқиқ қилишга эҳтиёжли ишлардагина бўлади. Эҳтиёжсиз ишларда эса бўлмайди. Шунингдек, ўрганиш ва тадқиқ қилишга эҳтиёжли ишлар ҳам вақти ўтиб кетмаган бўлса, фикрлашга шароит қулай бўлса ўрганилади, тадқиқ қилинади. Аммо шароит фикрлашга тўғри келмаса, фурсатнинг бой берилгани қолади ёки у ҳалокатга олиб боради. Чунки у топқирликни йўқотади, холос. Шунинг учун ҳам ҳаёт жангида халқлар, миллатлар, жамоалар ва гуруҳларнинг зафар қучиши учун топқирлик лозим. Ҳаёт жангида галаба қозониш учун топқирлик мавжуд бўлиши лозим. У мана шу галаба шартларидан биридир.

Ҳаётдаги ҳолатлар, ишлар хилма-хилдир. Уларнинг йўллари хилма-хил. Қулай ва ноқулай, енгил ва оғир. Вақт эса олтин. Олтиндан ҳам қиммат. Шундай экан, ҳолат, шароит ва иш билан ҳисоблашмай иложимиз йўқ. Фикрлаш керак бўлган жойда фикрлаб, топқирлик керак бўлган жойда топқирлик билан иш тутиш лозим. Биз ҳамма нарсани топқирлик ҳал қилади, демоқчимасмиз. Бир қанча ишлар борки, уларни топқирлик ҳал қилолмайди. Фикрлаш зарур бўлади. Яна бир қанча ишлар борки, уларга фикрлаш зарар қилади, топқирлик керак бўлади. Масалан, таърифлар, шаръий ҳукмлар ва илмий ишлар тафаккурсиз ҳал бўлмайди. Уларга топқирлик аралаша олмайди. Лекин тўсатдан содир бўладиган ҳодисалар, ғаразли, ифлос саволлар ва шошилиш ишларнинг ҳаммасида топқирлик зарур. Чуқур фикр юритиш эса тўғри бўлмайди. Агар уларга тафаккур аралашса баттар чигаллаштириб юбориши ёки фурсатни зое қилиши ёки муфаккирнинг моҳиятини ҳайф қилиши ёки бирор зарар етказиши хавфи бор. Ҳаётда фикрлаш керак бўладиган ишлар ҳам, топқирлик керак бўладиган ишлар ҳам

бор. Ҳаёт жангида ҳолатга қараб иш тутилади. Модомики, балоғат гапнинг ҳолат муқтазосига мувофиқ келиши экан, ҳаёт жангига кириш ҳам ҳолат муқтазосига қараб иш тутишдир. Агар тафаккурни тақозо қилса, фикр қиласиз. Топқирликни тақозо қилса, топқирлик қиласиз. Ҳаёт жангида тафаккур қанчалик керак бўлса, топқирлик ҳам шунчалик керакдир. Биз тафаккурни танқид қилмаймиз. Чунки у ҳаёт учун зарур. Биз механик тафаккурни танқид қиламиз. Ҳаётни топқирликдан бўшатишни танқид қиламиз.

Тафаккур ҳаёт заруратларидан биридир. Инсон гапирадиган ҳайвондир, дейилганда унинг фикрлаши назарда тутилган. Чунки инсонни бошқалардан ажратадиган нарса унинг фикрлай олишидир. Ақл ҳақиқий маънода фикр юритиш деганидир. Ҳайвонлар – гарчи уларда мия бўлса ҳам – фикр юрита олмайдилар. Чунки уларда ақл йўқ. Негаки, миянинг ўзи фикрлашнинг юзага келишига кифоя қилмайди, бошқа нарсалар ҳам керак бўлади. Шунинг учун ҳам тафаккур тафаккурлиги жиҳатидан инсон хусусиятларидан биридир. Фикрсиз, ақлсиз инсон бўлиши мумкин эмас. Тафаккур тафаккурлиги жиҳатидан инсондан йўқ бўлиши мумкин эмас. Шу туфайли тафаккурга ҳужум қилинмайди, балки суст тафаккурга, бошқачароқ қилиб айтганда, топқирсизликка ҳужум қилинади. Чунки топқирлик ҳаёт жангида ғолиб бўлишдан ташқари, унда қатнашиш учун ҳам зарурий бир ишдир.

Топқирликда учта иш бор. Биринчиси – унинг таърифи, яъни у нима? Иккинчиси – унинг амалий воқеи. Зеро, гарчи унинг таърифи ёки унинг нималигини билиш унинг амалий воқеига олиб борса-да, барибир у воқенинг ўзи эмас. Масалан, сиз тўсатдан бир ишга рўбарў бўлсангиз ва унга нисбатан ўз тутган ўрнингизни белгилашингиз тақозо қилинса, унда топқирлик намоён бўлади. Лекин у ҳали топқирликнинг ўзи эмас. Чунки топқирлик унинг устидан тезда ҳукм чиқаришингиз ва бу ҳукм сизга қандай иш тутишингизни ёки тутишингиз кераклигини белгилаб беришидир. Тўсатдан содир бўлган ишнинг ўзи, масалан, кўзда тутилмаган бир саволга йўлиқиш, кутилмаган жойда душманга дуч келиш, хаёлда йўқ муаммога учраш топқирлик эмас, топқирлик қўлланиладиган жойдир. Учинчиси – шу иккаласи хусусида, яъни топқирлик ҳосил бўлган воқе ва топқирликнинг ўзи хусусида ҳаётдан мисоллар келтириш. Иш тутишлардан мисоллар келтиришнинг фойдаси бўлса ҳам зарурати йўқ. Чунки улар битта воқеда ёки бир мартадаги топқирликнинг ўзида бир неча хил бўладилар.

Модомики, тафаккур билан топқирлик орасидаги фарқни англаб олган эканмиз, одамларда, хусусан топқирлиги бўлмаган кишиларда

қандай қилиб топқирликни вужудга келтириш, яъни қандай қилиб уларда бу хусусиятни тарбиялаш кераклигини билиб олишимиз даркор. Бунга жавоб шуки, одамлар икки хил бўладилар. Биринчи хил одамлар – илмий баҳс эгалари ва улар кабилардир. Улар илмий баҳс кишилари ва муқаллид бўлмаган сиёсатчилар каби тафаккур билан шуғулланадиган одамлардир. Иккинчи хил одамлар – омма одамларидир. Улар хоҳ ўқувчилар, хоҳ бошқалар бўлсин, фарқи йўқ. Муқаллид сиёсатчилар ҳам уларга киради. Умнатдаги одамлар ана ўшалардир. Чунки умнат кишиларининг асл иши ё тафаккур, ё моддий ишлар бўлиши керак. Одамлар шу икки қисмдан ташқарига чиқмайдилар. Ҳар икки қисмдагининг вазияти бошқасиникидан фарқ қилади. Шунга кўра, уларда топқирликни вужудга келтириш ва уни тарбиялаш ҳам фарқ қилади. Чунки фикрлашга одатланган одам гоҳ-гоҳида фикрлайдиган одам эмас. Шунинг учун ҳам улар билан ишлаш бир-биридан фарқлидир. Асл иши тафаккур бўлган кишилардан кўра оддий одамларда (муқаллид сиёсатчилар ҳам ўшалардан) топқирликни вужудга келтириш енгилроқ кечади. Чунки оддий одамларда тафаккур қилиш асл эмас, гоҳ-гоҳида бўладиган ишдир. Улар табиатан фикрловчи, яъни инсон сўзловчи-фикрловчи ҳайвон бўлгани учун ҳам, улар билан ишлашда уларни топқирликка одатлантиришнинг ўзи кифоя қилади. Шунда топқирлик уларнинг ўзлари қилаётган ишларида ҳам табиий бир ҳолга айланади. Масалан, дурадгорлар, темирчилар, ишчилар, хунармандлар, деҳқонлар, соддадил одамлар кабилар билан ишлашда уларга мисоллар бериб, жавоб олиш, кейин эса аста-секин мураккаброқ мисолларга ўтиш ва шу тақлид узлуксиз ишлаш керак бўлади. Ана шунда топқирлик уларда одатий ёки табиий ҳолга айланади. Масалан, улардан бирига: «Ишингда тўсатдан бир муаммога дуч келиб қолсанг, уни қандай ҳал қиласан?», деб савол берилади. Агар у бир неча марта тўғри жавоб берса, у билан кейинги мураккаброқ масалага ўтиш осон кечади. Агар тўғри ёки хато бўлса ҳам бир марта жавоб бериб, уни бошқа қайтармаса, уни тўғри жавобга мувофиқлаштириш ёки хатосини тўғрилаш учун такрорлаш керак бўлади. Токи қайта хато қилмасин. Шундай қилиб, иш тўғрилангунига қадар такрорланиб, кейин мураккаброғига ўтилади. Буларнинг ҳаммаси осон ва енгил ишдир. «Бир муаммога йўлиқсанг, нима қиласан?», дейиш оғзаки бўлиши шарт эмас, ёзма равишда бўлиши ҳам мумкин. Муҳими одамларга жамойй шаклда фикр ташлаб, уларни тарбиялаш йўлини тутиш ва яқка ҳолдаги тарбиядан узоқ бўлишдир. Жамойй шаклда тарбиялаш китоблар, брошюралар, рисоалар ва кичик варақалар каби ёзма шаклда бўладими ёки

сўзлаб бериш, хутба ўқиш, гаплашиш, насиҳат қилиш ва йўл кўрсатиш каби оғзаки шаклда бўладими, фарқи йўқ. Ҳар иккала ишда ҳам одамларга фикр ташланади ва улар жамойи тарзда тарбия қилинади. Муҳими, гап ёки асар бир фикр бўлиши ва унинг асосида иш юритилиши керак. Шубҳасиз, бу фикр сўровчи билан одамлар ўртасида мунозарага айланиб кетмаслиги даркор. Ҳар икки томон ҳам тўғрилигини тан олган фикр бўлмоғи лозим. Яъни қуруқ фикрнинг ўзи эмас, тушунча бўлиши шарт. Негаки, мақсад уни шу фикрга қаноатлантириш эмас, балки уни қандай қабул қилиш, муаммоларни ҳал қилишда уни қандай ҳал қилиш йўлини ўргатишдир. Мана шу қабул қилиш ва йўл тутиш муолажа ўрнидир. Яъни шу билан тўғри ёки хатолик билинади. Такрорлаш, тўхташ, кейин такрорлашга ёрдам бериш, ундан кейин мураккаброғига ва оғирроғига ўтиш. Одамлар оммаси билан ишлашда уларда топқирликни вужудга келтириш учун уни одат ёки табиатга айлантиришгагина эҳтиёж сезилади. Айлантириш билан одамларда топқирлик вужудга келади. Фикрнинг хилини ажратиш ва англаш унинг чигал, мужмал бўлишидан кўра яхшироқ. Масалан, «Бир муаммога йўлиқсанг, уни қандай ҳал қиласан?», деган саволни олайлик. Деҳқонга, агар ёмғир ёғмай қолса, сунъий ёмғирнинг ҳам имкони бўлмаса, экиннингни нима қиласан, дейилганда, тез жавоб берса, унда топқирлик бор. Жавоб бермаса ёки сустлик билан, ўргангандан кейин жавоб берса, унда топқирлик йўқ. Гарчи бу тафсилот яхшироқ бўлса-да, одамлар билан ишлашда муҳим эмас. Чунки улар ишларни оддий қабул қиладилар. Чигал-мужмал ишларни тушунмасликларини тушунадилар. Муҳими уларнинг жавоби ёки жавобларини кузатиш. Шунинг учун ҳам одамларни топқирликка одатлантиришда қийинчилик туғилмайди. Бошқалар билан, яъни илмий баҳс кишилари (академиклар), муқаллид бўлмаган маълум ақидани ушлаган сиёсатчилар, бир сўз билан айтганда, моддий ишлар билан эмас, фикр ёки илм билан шуғулланувчилар билан ишлашда қийинчилик туғилади. Уларда топқирликни ҳосил қилиш учун етарли даражада эътибор бермасликнинг иложи йўқ. Чунки уларнинг айримларида топқирлик гоҳо мавжуд бўлгани билан асл ишларида мавжуд эмас. Шу туфайли уларнинг мавзулари хусусида баҳс юритиш керак. Зеро, у гапнинг ўрнидир.

Гоҳида бир қарашда инсон ҳаёти хавфу хатарлар орасида бўлиши топқирликнинг пайдо бўлишига сабабдек кўринади. Топқирликка муҳтож бўлинадиган ишларнинг ва тасодифларнинг кўпчилигидан шундай туюлади. Гоҳида эса шуғулланиш, чиниқиш ва одатланиш

топқирликни пайдо қиладигандек кўринади. Ҳақиқатда эса бу икки иш топқирликнинг ҳосил бўлишига ёрдам беради, лекин уларнинг ҳеч бири табиб, муҳандис ва ўқитувчилар каби фикр билан ишлайдиганларда ҳам, дурадгор, темирчи ва ишчи каби моддий ишларни қиладиганларда ҳам уни вужудга келтирмайди. Зеро, инсоннинг хатарлар орасида яшаши топқирликка ёрдам беради. У билан шуғулланиш, унга одатланиш уни табиийга айлантиради, ривожлантиради, ҳосил бўлишига ёрдам беради. Лекин улардан бирортаси ҳам топқирликни қандай бўлса ўшандайлиги жиҳатидан ҳам, тез фикр юритиш жиҳатидан ҳам пайдо қилмайди.

Умнат ёки халқнинг кўпчилигини ташкил қиладиган моддий ишлар билан шуғулланувчиларда топқирликни вужудга келтириш – айтиб ўтганимиздек – жамой тарбия билан, яъни «нима қиляпсан?», «бундай тасодифга қандай дуч келиб қолдинг?» каби саволлар бериб, топқирликни пайдо қиладиган фикрларни юзага келтириш билан бўлади. Уни ўқитувчилар, маълум ақидага эътиқод қилган сиёсатчилар сингари фикр билан шуғулланувчиларда ҳосил қилиш эса жуда ҳам оддий. Уларни топқирликка ундайсиз, вассалом. Чунки топқирлик фалсафа ва тафаккурларга алоқадор бўлган чуқур ишлардан бўлса-да, у айни пайтда техник ишлардандир, яъни техник фалсафага киради. Шунинг учун ҳам улардан уни қандай бўлса шундайлигича талаб қилиш кифоя. Яъни фикр билан шуғулланувчиларга, сизларда топқирлик бўлиши шарт, дейишнинг ўзи етарли. Шунинг ўзиданоқ топқирлик нималигини, қаердан келиб чиқишини билиб оладилар. Уларга тафсилотига киришиш, саволларга жавоблар олиш, ҳатто топқирлик маъносини шарҳлаб бериш ҳам шарт эмас. Негаки улар фикр билан ва фикрнинг ичида ишлайдилар. Фикр, илм, маърифат борасида кўп ишлаганлари боис шунга одатланиб қолганлар. Ана шу одатдан ҳар бир муаммода тафаккурга мурожаат қилиш келиб чиққан. Шу сабабли ҳам уларда яхшилаб ўрганиш, текшириб кўриш ва пухта ўйлашга муҳтож бўлинадиган аста-секин фикрлаш пайдо бўлиб қолган. Агар уларга сизларда топқирлик бўлиши зарур, дейилса, дарҳол фикрлашга киришадилар. Мана шу тез фикрлашнинг ўзидан уларда топқирлик ҳосил бўлади. Демак, фикр билан ва фикр борасида ишлайдиганларни тез фикрлашга ундашнинг ўзи кифоя. Бу нарса уларга, сизларда топқирлик бўлиши шарт, дейиш билан амалга ошади. Топқирлик уларда, яъни ўқитувчиларда ва маълум ақидага эътиқод қилувчи сиёсатчилар каби фикр билан ва фикр борасида ишлайдиганларда уларни топқирликка ундашнинг ўзи билан пайдо бўлади. Яъни уларга, «сизларда топқирлик бўлиши

шарт», дейишнинг ўзи билан бу иш амалга ошади. Мана шунинг ўзи топқирликни вужудга келтиришга кифоя. Қийналиш ва янги нарсаларнинг ҳожати йўқ. Уларнинг ўзи фикр билан ва фикр борасида ишлайдилар, ҳеч нарсага муҳтож бўлмайдилар. Негаки уларнинг иши фикр ва тафаккурдир. Лекин улар бевосита шу иш билан муомалада бўлганлари, бу нарса уларнинг кундалик вазифасига айланиб қолганлиги сабабли одатланиб, ўрганиб қолганликларидан уларда аста-секин фикрлаш хусусияти пайдо бўлиб қолган. Шунинг учун ҳам уларга рўбарў қилинган ҳар бир иш хусусида, буни ўрганиб, текшириб кўриш керак, деяверадилар. Ҳолбуки, у иш ундай эмас. Уларни тез фикрлашга одатлантириш ва қайси нарсани ўрганиб билиш керагу, қайси нарсани ўрганиш шарт эмаслигини ажратиб олишлари учун улардан тез фикрлаш ва топқирлик талаб қилинади, топқирликка ундаладилар. Мана шу тез фикрлашнинг ўзи топқирликдир. Мана шу тезликнинг ўзи тўсиққа учрамаган пайтда нарса устидан тезда ҳукм чиқариб беради. Ана шу вақтда у топқирлик, деб таърифланади ёки ўрганиш, текшириш шарт бўлмаган топқирлик жумласига киритилади. Тўсиқларга тўқнаш келиб қолганда эса ўрганиш, текшириш шарт бўлган турга кириб, топқирлик хилидан бўлмайди.

ЗАКОВАТ ВА ТОПҚИРЛИК

Одамлар оммаси, уларнинг аксарияти, 90%дан кўпроғи заковатлидирлар. Фавқулодда заковатга эга бўлганлари ҳам, мутлақо заковатсиз – довдир, тентаклари ҳам кам. Бу камчиликка қараб ҳукм чиқарилмайди. Шунинг учун ҳам гапимиз одамлар оммаси ё аксарияти ёки 90%дан кўпроғи хусусида боради. Фавқулодда заковат эгалари тўғрисида гапирмаймиз. Чунки фавқулодда заковат асли топқирликдир. Уларда топқирлик туғма бўлганлиги учун ҳам улар ҳақида гапирмаймиз. Заковатсиз, довдир, тентакларни даволаш беҳуда. Қадимгиларда «Аҳмоқ тузалмайди» деган нақл бор. Шу туфайли уларга эътибор бермаймиз. Негаки уларга ҳар қанча куч сарфламанг, хоҳ улар дурадгор, темирчи каби моддий ишларни қиладиганлар бўлсин, хоҳ ўқитувчи, маълум ақидага эътиқод қилган сиёсатчилар каби фикр билан ва фикр борасида ишлайдиганлар бўлсин, уларда топқирликни шакллантиришнинг сира иложи йўқ. Улар довдир ва тентак бўлиб қолаверадилар. Чунки ишлари уларга ҳеч нарсани қўшиб беролмайди. Муаммо табиатда, яъни улар яратилган асосдадир. Шунинг учун ҳам биз одамлар оммаси ёки аксари билан иш олиб борамиз. Заковатни ҳам таърифлаш керак бўлса-да, у ҳам топқирликка ўхшаб гоҳида таърифланиши керак бўлган турдан бўлса, гоҳида техник турдан бўлади. Унинг ҳаммасини техник турга киритиш афзалроқ. Фойдаси бўлиши мумкин бўлгани учун уни таърифлаш яхши бўлса ҳам, техник турдан бўлиб қолиши аълороқ. Шу туфайли заковатга таъриф берсак-да, унинг техник бўлиши чегарасида қоламиз. Унинг нималигини билишимиз учун заковат сўзининг ўзини айтишимиз кифоя. Аксар одамлар заковат сўзининг ўзи билан, кўриш ёки ҳамсуҳбат бўлишнинг ўзи билан заковатлини заковатсиздан, фавқулодда заковатни оддий заковатдан ажратадилар.

Заковат «тез сезиш» ва «тез боғлаш»дир. Шундан бошқа ҳар қандай таъриф фойдасиз тафсилотларга берилишдир. Ақл ҳис воситасида воқени мияга кўчириш ва шу воқени тафсир қилиб берувчи собиқ маълумотлардир. Ақлнинг шу таърифи заковатнинг маъносини тушунтириб беради. Тез ҳис қилиш дегани воқени мияга тез кўчириш деганидир. Собиқ маълумотлар эса боғлаш деганидир. Шунга кўра заковат тез ҳис қилиш ва тез боғлашдир. Заковат ақл ё фикр ёки тафаккурнинг бир туридир. Ақлга, фикрга, тафаккурга тўғри келадиган нарса унга ҳам тўғри келади. Чуқур назар ташлайдиган бўлсак, улар ҳис қилиш ва боғлашга суянадилар. Бу

ишдаги тезлик заковатни гавдалантиради. Демак, заковат мумтоз ақлнинг, мумтоз фикрнинг, мумтоз тафаккурнинг амалидир.

Шунга биноан заковат топқирликдир. Бизнинг довдир, тентаклар билан ишимиз йўқ. Чунки уларни ўнглаб бўлмайди. Фавқулодда заковатлилар билан ҳам ишимиз йўқ. Чунки улар табиатан топқирдирлар. Одамлар оммаси ва аксарияти қоляпти. Уларда топқирлик учун етарли заковат бор. Фақат улар билан ишлаш керак. Топқирликни ўнглаш тез сезиш ва тез боғлашни, яъни заковатни ўнглайди. Шунинг учун ҳам заковат ва топқирлик бир-биридан ажралмас эгизаклардир. Заковат қандай бўлса, шундайлигича топқирликни вужудга келтириш учун зарурдир. Заковат йўқ бўлиши билан топқирликни пайдо қилиш иши ҳам йўқ бўлади, топқирликнинг ўзи ҳам йўқ бўлади.

Моддий ишларни қиладиганлар ҳам, фикр билан ва фикр борасида ишлайдиганлар ҳам заковатда тенг бўлгани учун ҳаммаси одамлар оммасидан ҳисобланадилар. Шунинг учун ҳам заковат «қилинган иш» дегани эмас, гарчи бу ишнинг заковатга алоқаси бўлса ҳам. Заковат ишлайдиган шахснинг ўзи ўнгланишни ва жадалликни қабул қилиш истеъдодидир. Топқирликни пайдо қилишда топқир бўлиши талаб қилинадиган шахслар ҳам, саволлар билан топқирликка чиниқтириладиган шахслар ҳам бир хил заковатлидирлар. Улар билан ишлашда ана шу заковат ишга солинади. Бунда заковатли бўлгани учун ўша шахснинг ўзи ишлатилади. Фикр билан ва фикр борасида ишловчилар каби шахсга заковатни қитиқлайдиган турдаги саволлар берилади. Токи заковат мажбуран ишлатилсин. Шунинг учун ҳам савол йўналтираётган киши хусусида, у заковатни ишлатди, дейилади. Чунки у заковатни қитиқлайдиган турдаги саволларни танлади. Гўё унинг ўзи заковатни ишга солди. Ҳақиқатда эса ҳар иккала ҳолатда ҳам шахснинг ўзи заковатини ишлатган бўлади. Фикр билан ва фикр борасида ишловчилар ҳолатида заковатини бевосита шахснинг ўзи ишлатса, моддий ишларни қиладиганларнинг ҳолатида шахснинг заковатини ишлатишига туртки берилади. Ҳолбуки, ҳар икки ҳолат ҳам бир, яъни шахснинг заковатини ўзи ишлатиши. Лекин бу заковат гоҳида туртки билан ишлатилса, гоҳида турткисиз ишлатилади. Ўртадаги фарқ мана шу. Шунга кўра, топқирлик заковат деганидир, заковат эса топқирлик деганидир. Мана шу ердан топқирлик заковат билан чамбарчас боғланади. Чунки заковат топқирликни вужудга келтиради. Заковатни ишлатиш эса уни намоеън қилади. Топқирлик фақат заковатлилардагина ҳосил бўлади. Унинг мавжудлиги заковатнинг мавжудлигидир. Заковат ва

топқирлик бошқа-бошқа нарса бўлсалар-да, аслида бирдирлар. Топқирликда заковатни ишлатиш асосдир. Шахсларда топқирликни вужудга келтирмоқчи бўлсангиз, хоҳ улар топқирликни пайдо қилиш ёки заковатни ишлатишда бир турткига муҳтож бўладиган моддий ишларни қилувчилар бўлсин, хоҳ топқирликни вужудга келтириш ва заковатни ишлатишда турткига муҳтож бўлмайдиган фикр билан ва фикр борасида ишловчилар бўлсин, ҳар иккаласида ҳам заковатни ишлатиш асдир. Энди заковатни қандай ишлатиш мумкин ва шахслар тарафидан заковатни ишлатиш жараёни қандай кечади? Биринчи саволга, яъни заковатни қандай ишлатиш мумкин, деган саволга жавоб шуки, модомики, заковат тез ҳис қилиш ва тез боғлаш экан, ҳис қилишнинг ўзи хоҳ моддий бўлсин, хоҳ фикрий бўлсин, воқедан ҳосил бўлади. Заковатни ишлатиш сари ташланган бир қадамни мана шу нарса, яъни ҳис қилиш вужудга келтиради. Тез ҳис қилиш эса ҳис қилинаётган нарсадан огоҳ бўлишдан ҳосил бўлади. Ҳис остида воқе бўлаётган нарсадан огоҳ бўлиш зарурий ишдир. Бу огоҳлик ҳисингиз остида содир бўлаётган воқега назарингизни қаратишингиздир. Масалан, машинада кетаётиб, кўчада оқаётган суюқликни кўрдингиз. Агар шу суюқликнинг бензин эканидан огоҳ бўлиб, озгина нарсдан ўт чиқиб кетишини идрок қилсангиз, мана шу кўчада оқаётган суюқликнинг бензин эканидан огоҳ бўлишингиз ва ёниб кетишини идрок қилишингизнинг ўзи сиздаги топқирликдир – хатарга юз тутаётганингизни топганингиздир. Шунинг учун ҳам нуқтаи назарингиз кўчадан қочиш йўлини танлашга қаратилади. Сизда мана шундай топқирлик мавжуд бўлса, тезда нажот учун чора қўллаб, зудлик билан кўчадан чиқасиз. Аммо унинг бензин эканини билмасангиз, ёнишини ҳам билмай, кўчада қолиб кетиб, бензин ёнғач, ўтнинг ўртасида қолиб кетасиз. Чунки сизда топқирлик бўлмайди, яъни оқаётган нарсанинг бензинлигидан, ёнишидан огоҳ бўлмайсиз. Ана шунда ўзингиз ҳам, машинангиз ҳам ёниб кетади. Чунки ўзингизни ҳам, машинангизни ҳам қутқариш мумкин бўлмайди. Бу топқирлик йўқлигининг оқибатидир. Тез ҳис қилиш огоҳ бўлишдан ҳосил бўлади. Огоҳликдан кейинги тез ҳис қилиш заковатни ишлата бошлашингизга олиб келади. Тез боғлаш эса мазкур мисолда, бензин озгина нарсдан ҳам ёниб кетади, деган собиқ маълумотингизни ишлатганингиздан ҳосил бўлган. Сиздаги бу маълумотлар сизни уларни ишлатишга ёки ҳодиса билан тез боғлашга олиб борган. У кўчада оқаётган нарса чиқинди ёки сув эмас, бензин эканидан огоҳлигингиздир. Огоҳликдан келиб чиққан тез ҳис қилиш боғлашни, бинобарин, тез боғлашни вужудга келтиришдаги

сабабдир. Ёниб кетишдан хавфсираш боғлашни тезлаштирган, дейилиши мумкин. Жавоб шуки, хавф-хатар чора қўллашга ундовчи бўлади, аммо тез боғлашга ундовчи бўлолмайди. Демак, тез боғлаш оқаятган нарса бензин эканини англашингиздан ҳосил бўлади. Бензиннинг ёнишини идрок қилишингиз собиқ маълумотлар бўлиб, айнан шуларга боғлаш ёки тез боғлаш жорий бўлган. Тез боғлашнинг сабаби олдингиздаги воқенинг сизни боғлашга ундашидир. Мана шу нарса тезликни вужудга келтиради. Шу билан кўчада оқаятган нарсани билганингиздан кейин боғлаш ёки тез боғлаш ҳал қилинади. Шу билан сизда тез ҳис қилиш ва тез боғлаш пайдо бўлади. Мана шу нарса заковатни ишлатишдир. Демак, заковатни ишлатиш ҳис қилиш, юрган ёки юраётган воқедан огоҳ бўлиш, кейин уни ўзингиздаги собиқ маълумотларга боғлашдир. Ана шунда тез огоҳ бўлиш ҳосил бўлади. Бас, тез огоҳ бўлишни вужудга келтирган нарса заковатни ишлатишдир. Шу сабабли топқирлик заковатни ишлатиш ёки заковатни ишлатишнинг натижасидир, дейилади. Аслида у заковатни ишлатишдир.

Топқирликни вужудга келтириш учун заковатни ишлатиш шарт деганимиз яхшироқ эмасми, ана шунда, одамларда топқирликни пайдо қилиш учун уларни заковатни ишлатишга ундашимиз керак деган бўлардик, деб айтилиши мумкин. Бунга жавоб шуки, заковатни ишлатиш асл ва натижадир. Бундан ташқари у осон иш эмас. Шунинг учун ҳам топқирликни вужудга келтириш учун бир туртки шарт ёки уни техник нарса қилиб, ҳеч қандай фалсафа ва тафаккурсиз мутлақ қўйиш кифоя қилади. Топқирликни пайдо қилишнинг энг яқин йўли мана шу. Яна ҳам тўғрироғи, топқирликни вужудга келтирадиган нарса мана шу. Заковатнинг таҳлил, фалсафа, тафаккур бўлишидан ташқари, уни ишлатиш оғир ишдир. Уни асос ва сабаб қилиб олгандан кўра ўз-ўзидан ҳосил бўлишига қўйиб қўйиш афзалроқ. Уни асос ва сабаб қилиб оладиган бўлсак, топқирликни вужудга келтириш учун ҳаракат қилиш зарур бўлиб қолади. Бунда биз у билан алоқада бўлиб турсак, вужудга келтиради, бошқа нарса билан овора бўлиб қолсак, вужудга келтирмайди. Ҳолбуки, ҳар иккала ҳолатда ҳам заковатни ишлатиш жорий бўлади. Шунинг учун ҳам заковатни ишлатиш ҳамма ҳолатда ҳам жорий бўлаверади, лекин топқирлик ҳолатида биз у билан алоқада бўлиб турсаккина иш беради. Шу сабабли биз ўз эътиборимизни заковатни ишлатишимизга эмас, бошқа нарсага қаратамиз. Унинг эса ҳеч бир интилишсиз, ҳаракатсиз, ўз-ўзидан, табиий тарзда ҳосил бўлишига ташлаб қўямиз. Заковатни ишлатиш, хусусан топқирлик масаласида ўта муҳим. Фақат у интилишсиз, ўз-

ўзидан табиий тарзда жорий бўлиши керак. Ана шундагина у иш беради. Чунки интилиш топқирликни яқинлаштирмайди, аксинча, узоқлаштиради ва заковатни ишлатишни топқирликни вужудга келтириш эмас, уни йўқ қилишга сабаб қилиб қўяди. Ҳолбуки, уни вужудга келтирадиган нарса мана шу иш. Шунга кўра, биз топқирлик заковатни бевосита ишлатишдан эмас, турткилардан ёки топқирлик сўзини умумий қилиб айтишдан ҳосил бўлади, гарчи уни ишлатиш топқирлик бўлса ҳам, деймиз. Биз топқирлик фақат заковатлилардагина вужудга келтирилади, деган эдик. Заковатлилардан мақсад оддий заковатлилардир, фавқулудда заковатлилар ҳам эмас, довдир, тентаклар ҳам эмас. Заковатлилар умматнинг аксар қисмини – 90%дан кўпроғини ташкил қилади. Мана бу заковатлиларнинг ишлари ҳар қанча хилма-хил бўлмасин, уларда топқирликнинг вужудга келиши шарт. Чунки ҳаёт жангига шўнғиш учун бу иш зарур. Негаки ҳаёт тасодифларга тўла. Масалан, талабаларда муайян маълумотни пайдо қилмоқчи бўлаётган ўқитувчини олайлик. Унинг иши соф фикрий иш, яъни у фикр билан ва фикр борасида ишлайди. У дуч келиши мумкин бўлган тасодифлар дарсинг ўзида бўлиши мумкин. Масалан, тасодифан ўзи билмаган маълумотларни келтириб қўйиши мумкин. Хўш, унинг қаршисида қандай иш тутади? Агар ўзини фикрлаш, ўрганиш, тадқиқ қилишга ташлаб қўйса, баттар чигаллаштиради. Ўзидаги аниқ маълумотларнинг чигаллашишига сабаб бўлиши ҳам мумкин. Тасодифлар гоҳида талабалар тарафидан ҳам ҳосил бўлиб қолади. Баъзан заковатли деб билган талабаси довдир, тентак бўлиб чиқса, баъзан унинг акси бўлади. Гоҳида талабадан ўзи ўргатиб, талқин қилиб берган саволлар ҳосил бўлади-да, ўқитувчи уларни унинг ўзидан чиқди деб ўйлайди. Шунингдек, талабаларда моддий тасодифлар ҳам ҳосил бўлади. Қайсидир талаба ҳушини йўқотиб қўяди, қайсинисидир чиқиб кетиб, қайтиб келмай қўяди. Бундай тасодифлар чоғида, агар унда топқирлик бўлса, яхши, маъқул натижага олиб борадиган иш тутади. Агар унда топқирлик бўлмаса, каловланиб, акс натижага олиб борадиган иш тутади. Шунинг учун ўқитувчиларда топқирлик бўлиши шарт. Чунки улар тарафидан ё уларга қарши ёки улар олдида бўлаётган тасодифларга нисбатан нажотга олиб борувчи иш тутишлари лозим. Агар уларда топқирлик бўлмаса, саросимага тушиб, зарар қиладиган иш тутиб қўядилар. Бу нарса уларни ҳам, умматни ҳам ҳалокатга ва зарарга олиб боради. Муҳандис, табиб, муайян эътиқоддаги сиёсатчи фикр билан ва фикр борасида ишловчи ўқитувчи кабидир. Улардаги тасодифлар фикрнинг ўзида ёки унга алоқадор бўлган моддий ишларда ёки

ўзлари ишлаётган предметнинг ўзида бўлиши мумкин. Ўқитувчи билан талаба, табиб билан касал, муҳандис билан уй лойиҳаси ва ҳоказо. Шунинг учун ҳам уларда топқирлик бўлиши шарт. Шунингдек, уларга ўхшаб, ишчилар, савдогарлар, деҳқонлар, хунармандларда ҳам тасодифлар бўлиб туради. Амалий ҳаётда – хоҳ ўзлари бажараётган ишларда бўлсин, хоҳ бошқада бўлсин – тасодифлар бўлиб туриши шубҳасиз. Бу тасодифларга нисбатан чора қўллаш лозим. Қўлланган чоранинг фойда ёки зарар келтириши, ўз вақтида ёки кечикиб бўлиши унинг воқеига қараб бўлади. Қўлланган чора шахсларда топқирлик бор-йўқлигига қараб ҳар хил бўлади. Энг тўғри чора қўллаш учун ҳаммада, хоҳ улар моддий ишлар қилувчилар бўлсин, хоҳ фикр билан ишловчилар бўлсин, топқирликни вужудга келтириш шарт. Ана шунда кўзлаган фойдамиз амалга ошади. Заковатлиларнинг заковати кучли ёки заифлигига қараб, улардаги топқирлик ҳам ҳар хил бўлади, уларда топқирликни вужудга келтириш ҳам шунга қараб бўлади. Шунинг учун топқирликнинг ҳам, топқирликни вужудга келтиришнинг ҳам таянчи инсондаги заковатдир. Заковат ёки заковатнинг мавжудлиги топқирликнинг заруратларидан биридир. Заковатсиз топқирлик вужудга келмайди, уни вужудга келтириш имкони ҳам бўлмайди. Заковат аслдир. У ҳаётдаги ҳамма нарсадир. Қўлланиладиган чора учун ҳам заковат бўлиши шарт. Тўғри чора топқирликка, заковатни ишлатишга қараб қўлланилади. Лекин чорага ундаётган нарса топқирлик ёки заковатни ишлатиш бўлса-да, у заковатга қаттиқ муҳтождир. Чунки чора натижадир. У топқирлик ёки заковатни ишлатишдан ҳосил бўлган ҳар бир нарсанинг самараси, фойдасидир. Шунинг учун ҳам у жуда муҳим. Қўлланилаётган чора муҳим. Шу туфайли у заковатга, яъни табиий заковатнинг мавжудлигига муҳтож. Бензин мисолида ҳайдовчи йўлда оқаётган нарсанинг бензинлигидан огоҳ бўлиши ва уни бензин ёнади, деган собиқ маълумотига боғлашининг ўзи билан йўлдан чиқиш чорасини қўллади. Лекин унинг йўлдан чиқишини кўнгилга солган нарса хатар ёки топқирлик ва заковатни ишлатиш бўлса-да, чиқишнинг ўзи муаммо бўлиши мумкин. Чиқишга бир моне бор, чиқишни қийинлаштириб юборадиган омил бор. Мана шу ерда хоҳ у чиқишга бир моне бўлсин, хоҳ чиқишни оғирлаштириб юборадиган омил бўлсин, чиқишдаги қийинчиликни енгиб ўтиш учун заковат керак бўлади. Мана бу чора заковатга муҳтож. Шунинг учун ҳам чора қўллашда туғма заковатнинг бўлиши шарт. Биз заковат ҳаётдаги ҳамма нарсадир, дедик. 100% тўғри. У топқирликда (ва заковатни ишлатишда) зарур бўлганидек, чора қўллашда ҳам зарурдир.

Заковатсиз чора қўллаш баттар эсанкиратиб юбориши ҳам, эсанкирашдан қутқариши ҳам мумкин. Ҳар икки ҳолатнинг ҳосил бўлиши заковатнинг мавжудлигига қараб бўлади. Собиқ бензин мисолидаги йўлдан чиқиш сингари оғир аҳволдан қутқарадиган чорани қўллайдиган нарса заковатдир. Баттар оғирлаштиришни қўллайдиган нарса заковатнинг йўқлигидир. Оқаётган нарсанинг бензинлигини билиб, бензиннинг ёнишига уни тез боғлагани билан кейин чиқишга жой топиш эҳтимоли бор бўлган ҳолда заковатни ишлатмасдан йўлида кетаверадиган бўлса, ёки унда чиқишдаги қийинчиликларни енгиб ўтишда ёрдам берадиган заковат бўлмаса, унинг топқирлигидан фойда йўқ. Чунки у бу пайтда қийинчиликларни енгиб ўтолмайди. Негаки, унда йўлдан чиқиш ёки йўлдан чиқишдаги қийинчиликларни енгиб ўтиш учун ишлатадиган заковат йўқ. Чиқиш жойи топилиши эҳтимоли бор бўлгани ҳолда йўлида кетавериб, аҳволи баттар оғирлашади ва ҳалокатга учрайди. Шунга биноан, чора қўллашда заковатнинг бўлиши шарт. Демак, заковат топқирликда ҳам, ундан келиб чиқадиган чора қўллашда ҳам зарур. Зеро у ёки бу чорани қўллаш заковатга боғлиқ. Муаммодан, тангликдан, оғир аҳволдан чиқиш учун муайян чора танлаш зарурий ишдир. Гоҳида бу чора ўзи танланади, гоҳида шарт бўлиб қолади. Лекин бу танлаш заковатга боғлиқдир. Агар заковатли одам бўлса, муносиб чорани қўллайди. Заковатсиз бўлса, баттар оғирлаштирадиган чорани қўллайди. Шунга кўра, чора қўллашда заковат бўлиши шарт. Токи баттар оғирлаштириб юборадиган эмас, қутқарадиган чора танлансин. Заковат топқирлик учун зарур бўлганидек, чора қўллашда ҳам, умуман ҳамма ишда даркор. Чунки заковат аслдир. У ҳаётдаги ҳамма нарсадир.

ЗАКОВАТНИ ИШЛАТИШ ВА ТОПҚИРЛИК

Биз, топқирликни вужудга келтирадиган нарса заковатни ишлатиш, топқирликни бошлаб берадиган нарса сезиш ёки сезилган нарсадан огоҳ бўлиш, топқирлик унинг самараси бўлмиш чора қўллашдадир, дедик. Заковатни ишлатишга тез сезиш ва тез боғлаш, деб таъриф бердик. Тез заковат ёки заковатнинг қандай ишлатилишини билишимиз қолди. Топқирлик заковатни ишлатишдир. Заковатдаги тезлик табиий тарзда ҳосил бўлмайди. У тез, лекин машаққатли жараёндир. Унинг сабаби ҳис қилинган нарса ёки ҳис қилишдан огоҳ бўлишдир. Оддий инсон заковатлидир, унда топқирликка етадиган заковат бор. Шунинг учун ҳам топқирлик заковатга алоқадор ва боғланган бўлса ҳам, уни вужудга келтирмайди. Чунки заковат инсонда туғмадир. У ҳар бир инсонда мавжуд. Лекин заковат ақлий жараён бўлиб, унда ақлий жараён ёки ақлга тўғри келадиган ҳамма нарса тақозо қиладиган барча хусусиятлар мавжуд. Воқе мияга тўғри келади ёки ҳис қилиш воқени мияга кўчиради. У ҳис қилиш билан собиқ маълумотларни жамлайди. Натижада ақлий жараён ҳосил бўлади. Инсон гапирадиган, фикрлайдиган ҳайвон бўлгани учун ҳам ҳар бир инсон ақлий жараённи бошидан ўтказди (ақлий амалиёт бажаради). Бу ҳар бир инсон заковатли ёки унда нарсалар устидан ҳукм чиқаришга заковат бор, деганидир. Заковат эса ақлий жараёндан кўпроқ. Чунки у тезликда, тез сезиш ва тез боғлашда сезилади. Тезлик бор бўлса, заковат ҳам бор, йўқ бўлса, у ҳам йўқ. Тезлик икки иш, яъни боғлаш ва ҳис қилишда бўлиши вожиб. Боғлашдаги тезлик нарса хусусида собиқ маълумотлар бўлгандагина мавжуд бўлади. Бу маълумотлар ҳис қилиш ҳосил бўлишининг ўзи билан юзага келади. Чунки ҳис қилиш уларни жалб қилади ёки тақозо қилади. Керакли нарса мана шу. У – тез боғлаш. Демак, тез боғлаш, агар маълумотлар мавжуд бўлса, табиий тарзда келади. Чунки ҳис қилишнинг ўзи маълумотларни ўта тез олиб келади. Демак, тез боғлаш фақат ҳис қилишга муҳтож бўлади, бошқа омилга муҳтож бўлмайди. Тез ҳис қилишнинг ўзи огоҳ бўлишни ёки тез огоҳ бўлишни ҳосил қилади. Тез огоҳ бўлиш заковатни ишлатишнинг бирламчи ва асосий марказидир. Шунинг учун ҳам иш огоҳ бўлишга ёки тез огоҳ бўлишга марказлашади. Демак, эътибор берилиши керак бўлган нарса огоҳ бўлиш ёки тез огоҳ бўлишдир. Чунки заковатни ишлатишни, бинобарин, топқирликни вужудга келтирадиган нарса у. Топқирлик заковатни ишлатишни тақозо қилса, заковатни ишлатишнинг ўзи огоҳликни ёки тез огоҳ бўлишни тақозо қилади. Шунинг учун ҳам огоҳлик

ёки тез огоҳ бўлиш топқирлик билан заковатни ишлатишнинг орасини ажратиб турадиган муштарак нарсадир. Ёки заковатни ишлатиш жараёнини, бинобарин, топқирликни вужудга келтиришдаги асосий шартдир. Шунга биноан, огоҳлик ёки тез огоҳ бўлишни тадқиқ этиш лозим. Токи заковатни ишлатишни, қолаверса, топқирликни таниш, унинг қандай вужудга келишию инсонда қандай ҳосил бўлишини англаш имкони туғилсин.

Огоҳлик ҳис қилинган нарсани қасд қилиш ва уни билишдир. Модомики, шу қасд жорий бўлмас экан, огоҳлик ҳам ҳосил бўлмайди. Собиқ мисолимизда ҳайдовчи кўчада оқаётган суюқликни кўрди. Агар унинг нималигини билишни қасд қилмасдан бепарво бўлиб ўтиб кетаверса, унда огоҳлик ҳосил бўлмайди. Бинобарин, заковатни ишлатиш ҳам, топқирлик ҳам ҳосил бўлмайди. Демак, нарсанинг нима эканини билишни қасд қилиш бутун жараёндаги асосдир. Шундай экан, бирламчи иш қасд қилиш ёки ҳис қилинган нарсанинг моҳиятини, чегарасини билиш учун тез, жиддий, ташвишли ҳаракат қилишдир. Чунки ҳамма нарса мана шу билишга қараб бўлади. Шунинг учун ҳам билиш ёки билишни қасд қилиш асос бўлди. Масалан, Сулаймон عليه السلامнинг икки аёл даъво қилиб келган гўдакни тақсимлаши хусусидаги қиссани олайлик. У киши топқирлик билан гўдакнинг онаси кимлигини билдилар. Ҳар икки аёл ҳам гўдакни, менинг ўғлим, деб даъво қилдилар. Сулаймон عليه السلام гўдакнинг ҳақиқий онаси чақалоғининг ўлиб кетганидан кўра кимнинг қўлида бўлса ҳам тирик қолишини афзал кўришини, сохта она эса бунга парво қилмаслигини билдилар. Шунга кўра гўдакни икки аёлга тақсимлашни, яъни ўлдиришни таклиф қилдилар. Негаки унинг ўлими қайси бири она эканини кўрсатиб беради. Агар ўлдиришнинг ўзини таклиф қилганларида, сохта она ҳам гўдагига ҳарислигини муғомбирлик билан намойиш қилиши мумкин бўлади. Лекин у киши гўдакни ўлдиришни очиқ шаклда эмас, балки ёпиқ шаклда айтдилар, яъни гўдакни икки аёлга тақсимлашни айтдилар. Ҳақиқий она таклифни рад қилди, сохта она эса қабул қилди. Гўдакни тақсимлаш, яъни ўлдиришни ҳақиқий она дарров ҳис қилди. Шу туфайли таклифни рад қилди. Ҳақиқий онанинг рад қилиши, сохта онанинг қабул қилиши қози Сулаймон عليه السلامнинг зеҳнига тез келди. Яъни қабул қилиш ва рад қилишни фикран ҳис қилдилар. Мана шу ҳис қилиш ҳосил бўлишининг ўзи билан собиқ маълумотлар келиб, гўдакнинг тақсимланишини рад қилган аёл ҳақиқий она эканлигини билдилар ва гўдакни унга ҳукм қилдилар. Мана шу билиш топқирликнинг натижасидир. Топқирлик заковатни ишлатишдан ҳосил бўлди.

Заковатни ишлатиш огоҳликдан ҳосил бўлди. Ҳис қилишни ва тез ҳис қилишни вужудга келтирган нарса мана шу огоҳликдир. Бу нарса табиий тарзда тез боғлашга, яъни собиқ маълумотларнинг зудлик билан зеҳнга келишига олиб борди. Тез ҳис қилиш билан тез боғлашни ишлатгандан кейин топқирлик ҳосил бўлди. Чунки у заковатни ишлатишни ва муносиб чора кўришни ҳосил қилди. У гўдакни ҳақиқий онасига ҳукм қилишдир. Мана бу Сулаймон عليه السلام ҳодисаси ҳам, ерда оқаётган суюқлик воқеаси ҳам, сен кимсан, деб берилган саволдаги мақсадни билиш ҳам ҳис қилишга мисол бўла олади. Ҳар бир нарсадаги ҳис қилиш – хоҳ у моддий бўлсин, хоҳ моддий бўлмасин – мисол бўлишга ярайди. Шунга кўра, ҳис қилиш жараён (амалиёт)нинг аввалидир. Ҳис қилишни вужудга келтирадиган нарса огоҳликдир. Мана шу огоҳликдан ҳис қилиш ва тез ҳис қилиш ҳосил бўлади. Кейин иккаласи бир бўлиб, зеҳнга кетма-кет маъно олиб келади ва заковатни ишлатиш ҳам, топқирлик ҳам ҳосил бўлади.

Буларнинг ҳаммасидаги асл огоҳликдир. У яшашнинг ўзи билан, яъни табиий тарзда ҳосил бўлади. Тўғри, уни вужудга келтирадиган, унга йўллайдиган уйғоқлик бор. Лекин уйғоқликнинг ўзи ҳаёт заруратларидан биридир. У тирикларда, яъни ҳақиқий тирикларда мавжуддир. Зайд исмли киши одам бўлиб туриб, унда уйғоқлик бўлмаса, демак, унинг ҳаёти уйқунинг, турғунликнинг ва ўлимнинг ичидадир. Бу нарса ундан огоҳликни ҳам, бинобарин, заковатни ишлатишни ҳам талаб қилмайди. Чунки у, модомики яшаш сифатига эга эмас экан, моҳият эътибори билан мавжуд эмас. Уйғоқлик бўлиши яшаш заруратларидан. Уйғоқлик мавжуд бўлса, огоҳликни вужудга келтириш имкони туғилади. Огоҳликни вужудга келтирадиган нарса уйғоқлик дейилмайди. Чунки уйғоқлик ҳаёт заруратларидан бири. Огоҳлик уйғоқлик билан, уйғоқликнинг табиийлиги билан пайдо бўлади. Шунингдек, огоҳлик билан, яъни ҳаётнинг мавжудлиги билан ҳосил бўлади. Шундай экан, уйғоқлик эмас, огоҳлик аслдир. Чунки уйғоқлик тирик жонда тирикликнинг ёки жонлиликнинг ўзи билан мавжуддир. Огоҳлик эса қасд билан, яъни ҳис қилинган нарсага назар ташлаб ундан, унинг моҳиятидан огоҳ бўлишга суянади. Шунинг учун ҳам огоҳлик ҳис қилинган нарсадаги хусусиятларни ёки унинг моҳиятини билишни қасд қилишдир. Мана шу билиш камолига етгандан кейин заковатни ишлатиш ёки топқирлик жараёни пайдо бўлади. Шу сабабли ҳамма нарса – заковатни ишлатиш жараёнининг тўғрилиги ҳам, топқирликнинг тўғрилиги ҳам, нарса устидан чиқарилаётган ҳукмнинг тўғрилиги ҳам, боринги, бўлаётган ишларга нисбатан

қўлланилаётган чоранинг тўғрилиги ҳам мана шу билишга боғлиқдир. Мана шу ердан билишнинг тўғрилиги қанчалар юксак даражада аҳамиятли экани кўринади. Негаки нажот топиш ёки ҳалокатга учраш, муваффақият қозониш ёки йиқилиш, тирик ёки ўлик бўлиш унинг тўғрилигига боғлиқ. Демак, билишнинг тўғрилиги мавзудаги муҳим асослардан бири.

Масалан, ерда оқаётган суюқликни сезиш жараёнида у сув бўлсаю, уни бензин, деб ўйласа, қочиш билан ўзини хатарга солган бўлади. Ундан-да хатарлироқ нарсага рўбарў бўлиши ҳам мумкин. Агар кетаверса, унга ҳеч нарса бўлмайди. Чунки у сув, ёниб кетадиган бензин эмас. Суюқликнинг нималигини билишни қасд қилиши ва унинг сув эмас, бензин эканидан огоҳ бўлиш бу – ҳис қилинган нарсанинг моҳияти хусусида аниқ бир қарорга келиш деганидир. Мана шу аниқ қарор асосида тез боғлаш ва қўлланиладиган чора ҳосил бўлади. Буларнинг ҳаммаси ҳис қилинган нарсани ундан огоҳ бўлишдан ёки уни билишни қасд қилишдан билиб олишнинг тўғрилигига қараб бўлади. Шунинг учун ҳам заковатни ишлатиш бошқа нарсаларни ишлатиш каби осон кечмайди. У бир вақтнинг ўзида ҳам мураккаб ва ҳам чуқур ишлатишдир. Унинг мураккаблиги нарсани билишни қасд қилиш ва ундан огоҳ бўлишдан келиб чиқади. Бу мураккаб ишдир. Чунки нарсалар бир-бирига ўхшаш. Уларнинг бирини иккинчисидан ажратиб олиш ўта мураккаб иш бўлиб, тез билишга муҳтож бўлади. Унинг чуқурлиги эса тез ҳис қилиш тарафидан пайдо бўлади. Бу ҳам содда нарса эмас. Унда огоҳлик, унинг тўғрилиги, мустаҳкамлиги бўлиши шарт. Бу чуқур ишдир. Негаки тез ҳис қилиш ҳосил бўлишининг ўзи кифоя қилмайди. Балки бу тезлик огоҳлик тарафидан келяптими ёки тез боғлашга ўхшаб техник тарзда келяптими, шуни билиш шарт. Шунинг учун ҳам заковатни ишлатиш мураккаб ва чуқурдир. У тез ва машаққатли жараёндир. Шу сабабли заковатни ишлатиш тўғри йўлга бошловчи жараён бўлиш ўрнига адаштирувчи жараён бўлиб қолиши хавфи бор. Шунга кўра, мазкур жараён тўғри, мустаҳкам шартлари ёки тўғрилигининг шартлари тўла адо этилган бўлиши шарт. Заковатни ишлатиш сўзи бадиҳа сўзига ўхшайди. У ҳеч қандай фалсафага бўйсунмайдиган, ўзида ҳеч қандай мураккаблик бўлмаган техник лафз бўлишга лойиқ. Ундаги аслик мана шу. Айни пайтда у мураккаб, чуқур жараён бўлиши ҳам мумкин. Бу ҳолда тўғрилигининг шартлари тўла адо этилиши шарт. Бу нарса уни тафаккурга муҳтож қилиб, фалсафалаштириб юборади. Гарчи бу жараён фикрлар ва мураккабликларга эга бўлса-да, лекин моҳиятан

унинг ўзи фикрдир ва мураккабликлар унга кириши мумкин бўлмаган содда нарсадир. Шунинг учун ҳам унинг техниклигига мойил бўлиш маъқул иш ёки тўғриликка яқинроқ. Шунга биноан заковатни ишлатиш дейилади, бошқа нарса дейилмайди. Заковатни ишлатишдан шу лафзлардан нима тушунилса, ўша нарса тушунилади. Шунинг ўзи ишлаш ва хатодан тийилиш имконини беришга кифоя қилади. Негаки лафзларни мутлақ қўйиб, улардан тушунилган нарсанинг ўзи ишлатиш жараёнини адо этишга, яъни заковатни ишлатишга кифоя. Чунки ишлатиш сўзи ишлашни қасд қилиш маъносидадир. Заковат сўзи эса аввалдан маълум. Шу туфайли заковатни ишлатиш сўзининг фалсафа ва тафаккур аралашмасдан, техник бўлиб қолиши афзалроқ. Шунда заковатни ишлатиш сўзи бошқа маънони эмас, заковатни ишлатиш маъносини англатади.

ТАБИЙЙ ТОПҚИРЛИК ВА ЯСАМА ТОПҚИРЛИК

Топқирликдаги асл унинг табиий бўлишидир. Чунки у ўз-ўзидан ҳосил бўлади. Топқирликни мавжуд қиладиган нарса хатар ёки тангликдан халос бўлишдир. Унинг ўзи табиий тарзда келади. Негаки хатар ундан халос бўлиш учун тез чора қўллаш хусусида тез ҳукм чиқаришни тақозо қилади. Тангликдан халос бўлишдаги топқирлик ҳам ана шундай. Ҳамма нарса мана шу қабилдан. Лекин Ғарб Ислом олами ёки мусулмонларга қарши юриш қилган пайтда аста-секинлик билан фикрлаш ва ҳукм чиқаришда шошилмасликни тақозо қилувчи фикрларни олиб келди. Ислом оламига сиёсий ҳужум қилиб уни эгаллаб олгач, аста-секин фикрлаш, яхшилаб ўрганиш жараёнини амалда татбиқ қилди. Мусулмонлар унга тақлид қилдилар. Заифнинг кучлига тақлид қилиши табиий. Шунинг учун ҳам эҳтиёт бўлиб, шубҳаланиб қабул қилинган дастлабки фикрлар амалда татбиқ қилина бошлади ва ундан аста-секин фикрлаш пайдо бўлди. Ҳамма нарса яхшилаб ўрганиш, чуқур текширишни тақозо қиладиган бўлиб қолди. Ҳатто фалсафий мушоҳада қилиш, фикр юритишга тўғри келмайдиган техник ишлар ҳам ўрганиш, фикрлаш, тадқиқ қилиш мавзусига айланди. Ундан аста-секин фикрлаш пайдо бўлиб, у ҳамма одамларда, хусусан, фикр билан ва фикр борасида ишловчиларда табиий бир ҳолга айланди. Шу билан улар топқирликни йўқотдилар. У қуриб-битиб, йўқ бўлиб кетай деди. Фақат кучли хатар ҳолатларидагина кўринадиган бўлиб қолди. Шу туфайли топқирликни юзага келтириш учун ясама жараёнлар керак бўлди. Токи заковат ишлатилсин. У табиий ишдир. Унинг табиий бўлиб қолиши учун ясама жараён шарт бўлиб қолди. Шу сабабли заковатни ишлатиш ва топқирликни юзага келтириш учун бир жараён яшаш лозим бўлди. Лекин бу жараён ҳар иккала тарафида ҳам заковатни ишлатиш ва топқирлик учун бўлиб, ясама жараёндан ўз-ўзидан бўладиган табиий ишга айланиши шарт. Чунки топқирлик табиий бўмоғи лозим. Унинг доим ясама бўлиши дуруст эмас. Ясамалик инсондаги топқирликнинг ўз-ўзидан табиий бўлиши учун керак. Шунга кўра, табиий топқирлик ёки бадиҳа асл. Шундай бўлиши шарт. Ясамалик эса табиий топқирликни вужудга келтириш ва ундан ясамаликни узоқлаштириш воситаларидан биридир. Шунинг учун ҳам табиий топқирлик асл бўлди. Шундай бўлиши шарт. Ясама топқирлик эса аслнинг хилофидир. У фақат ҳаракатга келтирувчи восита ва асл топқирликни вужудга келтириш учун қурол бўлишга ярайди, холос. Топқирлик дейилганда, ўз-ўзидан бўладиган табиий топқирлик мақсад қилинади. Бу лафз фақат шу маънони англатади, холос. Чунки топқирлик нарса устидан тез ҳукм чиқаришдир. Бу нарса ясама эмас, табиий

тарздагина ҳосил бўлади. Чунки ясамаликдан фойда йўқ. Ундан муносиб чора ҳам чиқмайди. Негаки ясамалик сушт фикр билан тез фикр ўртасидаги ҳолатдир. Яна ҳам тўғрироғи, у сушт фикрлашни тез фикрлашга олиб ўтишдир. Бу ҳолат вақтинча. Вақтинча бўлиши лозим. У гоё эмас, восита. Восита бўлиши, восита бўлиб қолиши вожиб ҳам. Мана шундан биламизки, табиий топқирлик аслдир, асл бўлиб қолиши вожиб ҳам. Шунинг учун ҳам гап ясама топқирлик хусусида эмас, табиий топқирлик ҳақида боради. Лекин воқенинг кўрсатишича, бу минтақадаги одамлар, хусусан мусулмонлар сушт фикрлашни ушлашда давом этар эканлар, улардан топқирлик ҳамон узоқлашиб борар экан, ясама топқирликни вужудга келтирмасдан, унинг учун ҳаракат қилмасдан бошқа илож йўқ. Шу туфайли гоё сифатида эмас, восита ва қурол сифатида ясама топқирлик тўғрисида гап бормай илож йўқ. Ясама топқирлик жараёни заковатни ишлатиш билан бошланади. Заковатни ишлатишнинг ўзи – гарчи табиий бўлиши лозим бўлса-да – маданий ва сиёсий ҳужум жараёнида у ҳам ясамага айланди. Шунинг учун ҳам ясама заковат ишлатишдан бошқа чора қолмади. Яъни заковат ишлатишни, топқирликни вужудга келтиришни яшаш керак бўлиб қолди. Умуман ҳамма ишда ясамалик зарур бўлиб қолди. Яъни, ясамаликни пайдо қилиш учун қасд қилиш, заковатни ишлатиш, қолаверса, топқирликни вужудга келтириш учун ясама иш қилиш ва то заковатни ишлатиш табиий ишга айланиб, топқирлик ҳам табиий бўлгунига қадар бу ишда бардавом ва узлуксиз туриш лозим бўлиб қолди.

Модомики ясамалик қасд қилиш экан, ясамалик шарт бўлгач, қасд қилиш ҳам шарт бўлди. Бу ерда «Нимани қасд қиламиз?», деган савол туғилади: Бунга жавоб шуки, гап заковатни ишлатишдан бошланган эди. Заковатни ишлатиш огоҳликдан бошлангани учун қасд қилиш огоҳликда бўлиши шарт. Бу қасд – гарчи таълим-тарбия билан ҳосил бўлиши мумкин бўлса-да – табиий тарзда келиши афзалроқ. Шу сабабли уни ҳосил қилиш йўли одамларга фикрлар ташлашдан иборат бўлади. Улар бу фикрларнинг тўғрилигига эътиқод қилсалар, яъни бу фикрлар уларда тушунчаларга айланса, уларни қабул қилиб оладилар. Демак, инсонларга огоҳликда қасд бўлиши шартлиги айтилади. Улар қайси бир ишга юзланмасинлар, огоҳликни қасд қилсалар, ишларини идрок қиладилар. Яъни, ясама тарзда заковатни ишлата бошлайдилар. Кейинчалик бу нарса уларда табиийликка айланади. Мана шундай такрорлаш ва замон ўтиши билан уларда топқирлик вужудга келади. Шунинг учун ҳам қасд қилиш бирламчи марказлашиш бўлди. Лекин бу иш таълим-тарбия билан эмас, одамларга фикрлар бериш билан амалга ошади. Токи бу фикрлар уларда тушунчаларга айлансин.

Бунинг учун уларга фикрларни ҳужжатлари билан қўшиб ёки гапирганнинг ўзида далили кўриниб турадиган қилиб бериш керак бўлади. Қачон бу фикрлар уларда тушунчаларга айланса, уларни қабул қилиб олишлари ва ишлатишлари кафолатланади. Яна шу пайтда заковатни ишлатиш жараёни ҳам кафолатланади ва шу билан топқирлик вужудга келади. Унинг мавжудлиги дастлаб ясама бўлса ҳам, такрорлаш ва вақт ўтиши билан табиийга айланади. Шунга кўра қасд қилиш ясама топқирликнигина эмас, табиий топқирликни ҳам беришни кафолатга олади.

Ўтган бензин ва машина мисолини олайлик. У ҳам бир топқирлик. У кутилмаган хатардан яширин тангликка тушиб қолишдан ҳосил бўлди. Лекин у қасддан ҳосил бўлиши ҳам мумкин эди. Қачон одамларда қасд, яъни огоҳлик мавжуд бўлса ва улар мана шундай бензин ҳолатига тушиб қолсалар, сергак тортиб, ерда оқаётган суюқликни текшириб кўрадилар. Агар уни хатарнинг, ўзлари тушиб қолаётган тангликнинг ўзидан билиб олсалар, бу ҳақда гапиришимизга ҳожат йўқ. Агар қасддан бўлса, у баҳс юритиш ўрнидир. Негаки қасд огоҳликни, бинобарин, ақл ёки заковатни ишлатишни юзага келтиради. Шу билан уларда топқирлик ҳосил бўлади.

Донишманд Сулаймон عليه السلامнинг гўдакни иккига бўлиш ҳукми мисолида тақсимлашнинг натижаларини, бу ҳукмнинг икки аёлга қандай таъсир қилишини қасд қилиш пайдо бўлди. Яъни тақсимлаш натижаларининг икки аёлга бўлган таъсири ҳосил бўлди ва заковат ишлатилди. Ана шу пайтда кишининг заковатни ишлатишдан кутган нарсаси, яъни ҳақиқий онанинг тақсимлашни рад этишию, сохта онанинг қабул қилиши пайдо бўлди. Кишининг заковатни ишлатишдан кутган нарсаси мана шу рад қилиш ва қабул қилиш эди. Натижада гўдак даъво қилаётган аёлларнинг қайси бирининг ўғли эканини билишдаги топқирлик вужудга келди. Бу топқирлик заковатни ишлатишдан, заковатни ишлатиш огоҳликдан, огоҳлик қасд қилишдан ҳосил бўлди. Демак, қасд қилиш бутун жараёндаги биринчи қадамдир. У гарчи бир вазиятдан бошқасига, бир ҳолатдан бошқа бир ҳолатга ўтиб турса-да, ҳар ҳолда ўзининг расмий йўлидан борган жараён бўлиб, қадамлари сохта эмас, табиий тарзда келди. Чунки у кутилган нарсага қараб юрди. Шунинг учун ҳам – гарчи у ясама жараён бўлса ҳам – уни ясашдаги пухталики уни табиийга ўхшаш қилиб қўйди. Шунинг учун ҳам у аниқ табиий ишга, яъни табиий заковатни ишлатишга, қолаверса, табиий топқирликка олиб борди. Шу туфайли – гарчи у мана шу тарзда борган бўлса-да – уни ишлатиш пухта бўлиб, натижалари табиий ва кутилган ишга қараб

бўлди. Шунга кўра, токи заковатни ишлатиш ва топқирлик табиий бўлсин учун уни ишлатиш чўзилмаслиги кутилган нарса эди.

Шунинг учун ҳам ҳеч ким заковатни ишлатишдаги ва топқирликни вужудга келтиришдаги ясамалик табиий топқирликка етиб боргунга қадар узоқ вақтни оладиган машаққатли ишлардан деб ўйламаслиги керак. Ундаги иш ясашдаги пухталиқка қараб бўлади. Агар ясаш пухта бўлса ва кутилган нарсани келтириб чиқарса, табиий топқирлик ишнинг бошидаёқ юзага келган ва одатга айланган бўлади. Унда ясамалик кўринмайди. Ҳамма ишлар биринчи қадамданок ва биринчи лаҳзаданок табиий бўлади. Негаки, гарчи ҳақиқатда аввал ясама топқирлик, унинг орқасидан табиий топқирлик вужудга келган бўлса-да, уларнинг ҳаммаси, ҳатто биринчиси ҳам табиий бўлиб кўринади. Чунки ясамалик пухта иш қилиш билан, кутилган натижани техник тарзда бериш билан йўқолиб кетади. Шунинг учун ҳам у табиийдек ҳосил бўлади, ясамалик изи кўринмайди.

Бизни ясамалиқка мажбур қилаётган нарса маданий ва сиёсий ҳужумнинг қолдирган излари, мустамлакачи кофир Фарб ҳокимларнинг диллари ва ақлларига ҳамон таъсир кўрсатаётгани, ҳамма ишда тафаккурни яхшилаб ўрганишу пухта текширишга айлантриб бораётгани ва натижада топқирликнинг йўқолаётганидир. Шу ишлар бўлмаганда, биз бундай ясама жараёнларга мажбур бўлмас эдик. Чунки қадимда топқирлик ҳам, заковатни ишлатиш ҳам табиий бўлиб, одамларнинг зеҳнлари булганмаган эди. Улар ўрганиш керак бўлган нарсани ўрганардилар, ўрганиш, текшириш шарт бўлмаган ишларда топқирликни ишлардилар. Заковатларини ҳам топқирликда бўлсин, бошқа ишда бўлсин керагича қўллардилар, бошқа нарсага эҳтиёжлари йўқ эди. Шунинг учун ҳам одамларни ота-боболари қандай бўлса, шундай аслга қайтариш мураккаб бўлмаган энгил ва содда бир ишдир. Чунки улар ота-боболарининг фарзандларидирлар. Ҳаммаларида топқирлик асл бўлган. Уларни мана шу аслга куч билан бўлса ҳам қайтариш кўп машаққат талаб қилмайдиган бир ишдир. Шунинг учун ҳар қандай ҳолатда ҳам табиий топқирлик учун амал қилиш вожиб.

МУАММО

Ҳозирги муаммо қандай қилиб тафаккурни пайдо қилиш эмас, чунки тафаккур инсонда табиий, туғма мавжуд. Инсон туғилар экан, унда мия ҳам, воқени мияга кўчириб берадиган ҳис қилиш ҳам мавжуд бўлади. Бу табиий иш. Энди собиқ маълумотлар ва ҳис мияга кўчирадиган воқенинг мавзуси қоляпти. Мия ва ҳис қилиш инсонда туғилганидан бошлаб мавжуд. Улар одамда туғма мавжуддир. Шунинг учун уларни пайдо қилишда ҳеч қандай куч-ҳаракатга муҳтож бўлинмайди. Чунки улар инсонда туғма, яъни яратилишдан мавжуд. Энди фақат ҳис мияга кўчирадиган воқелар ва бу воқени тафсир қиладиган собиқ маълумотлар қоляпти, холос. Воқелар кўп ва етарли. Кетма-кет бўлиб турадиган кўп ҳодисалардан ташқари, бу дунёдаги ҳаётнинг фазли билан кишининг ҳисси тушадиган кундалик янги-янги воқелар ҳам кўп. Ҳиснинг вазифаси уларни кўчириб бериш, холос. Ортиқ даражада кўчирса, тафаккурни вужудга келтиради. Негаки бу воқени тафаккур қиладиган собиқ маълумотлар кўп бўлиб, уларни ишлатиш осон ва қулай. Шунинг учун тафаккурда муаммо йўқ. Тафаккур ўз-ўзидан мавжуд. У ҳеч қандай муаммони келтириб чиқармайди. Тафаккурни қандай вужудга келтирамиз деган муаммо ҳам, муаммонинг сабаби ҳам йўқ. Муаммонинг ҳаммаси кофир мустамлакачи Фарб. Унинг ичида Совет иттифоқи ҳам бор. Негаки Фарб тафаккурнинг мавжудлигини ўрганиб, англаб, уни ишдан чиқаришга, иш бермайдиган қилиб қўйишга, бунинг қилолмаганда, зарарли тарафларга ишлайдиган қилиб қўйишга эътиборини қаратди. Тафаккурни ҳеч ким ишдан чиқаролмайди. Чунки у тирик жондир. Инсон фикрлайдиган жонзотдир. Шунинг учун ҳам ҳаётнинг бўлиши табиий. Инсоннинг фикрлайдиган бўлиши ҳам табиий. Шунга кўра, модомики инсон тирик экан ва унда тафаккур бор экан, уни ишдан чиқариш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам Фарб эътиборини уни зарарли қилиб қўйишга қаратди. Муаммо мана шу ердан келиб чиқди. Тафаккурнинг зарарли бўлиб қолгани муаммо экан, хўш, қандай қилиб ундан зарарни кетказамиз ва уни фойдалига айлантирамиз? Бунинг жавоби мавжуд тафаккурнинг ўзида яшириниб ётибди. Фарблик бўлмаган инсон ҳам фикрлайди, лекин у фикрлашни исроф қилади, ҳаддан ошади. У ҳамма нарса хусусида фикрлаб, баҳс юритиб, фалсафа сўқийверади. Бундан икки иш келиб чиқди. Биринчи иш шуки, техник нарсалар хусусида ҳам фикрлаб, фалсафий мушоҳада юритадиган бўлди. У курси, товоқ, пиёлани ҳам фалсафага айлантирди. Натижада бу нарсалар ўзидан, табиатидан, яъни ҳақиқий, табиий вазиятидан чиқиб кетди. Шунга кўра улар баттар чигаллашиб, ҳақиқий маъноларидан узоқлашдилар. Эшитган ёки ўқиган одам курси

нималигини, пиёла нималигини, товоқ нималигини билмай қолди. Агар фалсафа сўқимасдан, уларнинг номини айтиб қўйиш билан чекланганида билган бўларди. Уларни чигаллаштирган нарса тафаккур ва фалсафадир. Шунинг учун ҳам бу фалсафани улардан йўқ қилиш лозим. Бу нарса моддий ишларда бўлганидек, маънавий ишларда ҳам бўлади. Масалан, муғомара (хатарли иш, авантюра) сўзининг ўзи айтилса, унинг нималиги билинади, лекин у фалсафа қилиб ўрганилган, ҳисоб-китоб қилинган муғомара билан арзон муғомараларга ажратилса, тушуниб бўлмайдиган сўзга айланади. Топқирлик, ақл-заковатни ишлатиш каби сўзлар ҳам мана шундай. Улар қанчалик шарҳлаб, қанчалик фалсафа сўқилса, шунчалик чигаллашади. То ундан фалсафа ва тафаккурни суғуриб олмагунга қадар чигаллашиш ортиб бораверади. Демак, тафаккурдаги зарар ҳамма нарсани, ҳатто техник нарсаларни ҳам қамраб олганлигидадир. Шунга кўра, техник ишларда тафаккур қилиш ёки фалсафа сўқиш тафаккурдаги зарарни вужудга келтирган омилдир. Бу – биринчи иш. Иккинчи иш шуки, тафаккур ҳамма нарсани қамраб олар экан, уларнинг ичида топқирлик ҳам бор эди. У сушт фикрлашни вужудга келтирган бўлиб, топқирлик тез фикрлашга муҳтож бўлади. Сушт фикрлаш, ўрганиш, текшириш ғолиб бўлгани учун унга одатланилиб, унга қараб завқ олиниб, у аслга айланганди. Шундай бўлиши керак ҳам эди. Шунинг учун ҳам сушт фикрлаш одатга, аслга айланди. Завқ унга қараб олинадиган бўлди. Шундай бўлгандан кейин ҳамма ёқни ўрганиш, текшириш эгаллаб тезликка, топқирликка ўрин қолмади. Чунки топқирлик ўрганмасдан, текширмасдан туриб текшириш демакдир. Бу номаъқул, хунук бир иш бўлиб қолди. Шу туфайли топқирлик азалдан ифлос ишлардан саналиб, унинг мавжуд бўлмаслиги, биронта ҳам одам у билан сифатланмаслиги керак бўлиб қолди. Шунга кўра топқирлик ёқимсиз ишга айланиб, мавжуд бўлиши мумкинмас бўлиб қолди. Ғарбнинг бу ҳужумидан муаммо юзага келди. У тафаккур муаммоси эмас, тафаккурдан келиб чиқадиган зарар муаммосидир. Шунга биноан муаммо тафаккурнинг зарари бўлди. Бунинг давоси мана шу зарарни йўқ қилиш. Энди, тафаккурдан зарарни қандай йўқ қиламиз, деган савол туғилади. Бу тўғри савол, унга жавоб бериш керак. Чунки тафаккур мавжуд ва табиий. Демак, у муаммо эмас, муаммо – тафаккурдан зарарни қандай қилиб йўқ қилиш. Бунга жавоб шуки, энг аввало Ғарбнинг душман эканини, унинг ҳамма фикрларида шубҳа борлигини билишимиз керак. Шунинг учун Ғарбнинг ҳар бир фикрига шубҳа билан қараб, унинг нималиги, ундан нима нарса кўзланаётгани, мақсад қилинаётганини ўрганиб, текширмай туриб қабул қилмаслик керак. Ғарб тарафидан келаётган ҳар бир

нарсага шубҳа билан қараш аслдир. Унинг бўлиши шарт. Агар Ғарб хусусида, унинг экспорт қилаётган нарсалари хусусида шубҳа билан қараш бўлмаса, унинг тафаккурига асир ва қурбон бўлишимиз турган гап. Шу сабабли ташлашимиз керак бўлган биринчи қадам Ғарбга, унинг бизга юбораётган ҳар бир нарсасига шубҳа билан қарашимиздир. Ҳатто у ўзи учун юбораётган бўлса ҳам. Чунки у гоҳида бизни адаштириш йўлида ўзини ҳам қурбон қилиб юборади. Негаки унинг асосий иши адаштиришдир. Гарчи ўз фуқароси, ўз қавми, аҳолисини адаштиради ҳам. У фақат адаштиришга таянади. Адаштириш унинг энг кучли қуроли. Шунинг учун ҳам унга, у юбораётган ҳар бир нарсага шубҳа билан қараш Исломиёт диёрлари ёки мусулмонлар етакчилиги қилиши керак бўлган асос, аслдир.

Мана шу шубҳа билан қарашдан кейин иккинчи қадам келади. У тафаккурдан зарарни олиб ташлашдир. Чунки Ғарб олиб келган тафаккур тарзи унинг адаштирувчи фикрлари жумласидан. Ғарб бизни тафаккурга, тафаккурнинг ҳамма нарсани қамраб олишига ундади. Нега бизни бу нарсага ундаяпти деб, Ғарбнинг бу ишига шубҳа билан қарашимиз керак. Инсондаги фикрлаш табиий ва туғма бир иш. Унга ундашнинг остида эса маълум бир мақсад, ғараз ётибди. Биз мана шу мақсад, ғараздан огоҳ, унинг оқибатидан эҳтиёт бўлишимиз керак. Тафаккурга ундашдан мақсад уни муқаддаслаштириш, гоёга айланттириш, туйғулардан холиланттириб, таъсирини кетказишдир. Ҳолбуки, инсон ақл ва туйғудир. У туйғунинг ҳам, ақлнинг ҳам ўзигина эмас, ҳар иккисидир. Фақат йўлбошловчи туйғу эмас, ақл. Чунки туйғу ёнадиган ҳислар бўлиб, етакчиликка ярамайди. Бунинг устига у тез ёниб, тез ўчади. Демак, инсон ақл ва туйғудир. Лекин бошқарув марказини туйғуга эмас, ақлга бериш лозим. Мана шунга етиб олсак, унинг тафаккурга ундашдан кўзлаган мақсадини билиб оламиз ва уни пучга чиқарамиз. Ҳис-туйғуларни отиб юбормаймиз, олиб қоламиз, лекин уларни ўз ўрнига, ўзига лойиқ жойга жойлаштирамиз. Бу нарса ақл бошқарувда қолиши билан бўлади. Шу билан тафаккурга ундашдаги биринчи зарарни даф қилган бўламиз. Даф қилиш билан ақлни муқаддаслаштириш ҳам йўқ бўлади. Ғарб вужудга келтирмоқчи бўлган ақлий ёлғизланиш йўқ бўлади. Ортдан унинг зарари ҳам даф бўлади. Шунинг учун ҳам уни тафаккурга ундашини ақл билан қабул қилиб олиб, тафаккурни вужудга келтирамиз, нима учун вужудга келиши керак бўлса, ўша нарса учун табиий шаклда келтирамиз. Бу ундонинг бошқа тарафида тафаккурнинг ҳамма нарсани қамраб олиши туриб, у ҳамма нарсада фикрлашимиз, ҳамма нарсани ўрганишимиз, ҳамма нарсани текширишимиз, бир сўз билан айтганда, ҳамма нарса ҳақида суёт

тафаккур қилишимиз, деганидир. Бу нарса бизни тез тафаккурни, демакки, топқирликни тарк қилиб, сустан фикрлашга одатланишимизга, тез тафаккурга бепарво бўлиб, уни таҳқирлашимизга олиб боради. Натижада сустан фикрлаш аслга, тафаккурнинг тўғрилигини ўлчайдиган миқёсга айланади. Мана шунинг ўзи топқирликни таҳқирлаш ва тарк этишга кифоя. Бу нарса қаноатланиш, такрорланиш ва замон ўтиши билан топқирликни, демакки, унинг родини бекор қилади. Натижада биз сустан фикрлашнинг тузоғига тушиб, душман қўлидаги қўғирчоққа айланиб қоламиз. Ана шунда тез ҳал қилиниши керак бўлган муаммоларга дуч келиб, уларни ҳал қилолмай қоламиз. Нодир фурсатларни ганимат билолмай ўтказиб юборамиз. Муаммолар кўпайгандан-кўпайиб, фурсатлар зое кетиб бораверади.

Тафаккурнинг ҳамма нарсани қамраб олиши топқирликнинг кетиши демакдир. У техник тафаккурни ёки техник фалсафани ҳам илмий баҳслар мавзусига, фалсафа ва тафаккур мавзусига айлантириб юборади. Шу билан нарсаларнинг чигаллиги ортиб, аниқ кўриниб турган нарсалар ҳам чигаллашади. Шу билан энг оддий, очиқ кўриниб турган курси, пиёла, товоқ каби моддий ишлардаги, топқирлик, заковат ва заковатни ишлатиш каби маънавий ишлардаги техник нарсалардан ҳам фойдалана олмай қоламиз. Агар киши энг осон, энг содда техник ишлардан ҳам фойдалана олмай қолса, у инсон бўлиш ва инсондек ишлашга нолюйиқ кимсага айланади.

Шунинг учун ҳам муаммо тафаккурнинг ўзи эмас, балки ундан зарарни кетказишдир. Бу нарса тафаккурни шошилиш керак бўлган жойга шошиладиган, шошилмаслик керак бўлган жойга шошилмайдиган оддийга айлантириш билан бўлади. Масалан, топқирликда шошилиш керак бўлса, ақл, тафаккур маъносида шошилмаслик даркор. Оллоҳнинг мавжудлиги, халқнинг мавжудлиги, адолатнинг мавжудлиги каби ишларни ойдинлаштириш учун тафаккур зарур. Курси, товоқ, пиёла, заковат, ақлни ишлатиш ва топқирлик каби ишларда эса тафаккурнинг зарурати йўқ. Демак, муаммо тафаккурдан зарарни даф қилиш ва ҳаргиз ундан бошқа нарса эмас.

МУАММОНИНГ МОҲИЯТИ

Муаммонинг моҳияти шуки, қайси шаҳарда бўлмасин, умуман халқда, маълум ақидани қабул қилган сиёсатчиларда ва мутафаккирларда тафаккур табиий тарзда сустлашди. Унинг давоси мана шу муаммодан, яъни суст тафаккурдан халос бўлишдир. Зеро, суст тафаккур одатга айланиб, натижада тафаккур йўқ бўлди. Демак, муаммо суст тафаккур, яъни топқирликнинг йўқлигидир. Шундай экан, суст тафаккур муаммодир. Унинг одат, табиий бўлиб қолиши уни ҳақиқий муаммога айлантирди. Қайси бир масала бўлмасин, ҳатто техник бўлса ҳам у хусусда фалсафа сўқиш, фикр юритиш одамларда кўп учрайдиган ҳолга айланди. Муаммо тафаккурнинг ўзи эмас, чунки тафаккур табиий ва мустаҳаб, ҳатто вожибдир. Негаки бир нарса тўғрисида фикр юритиш унинг яширин жойларини, сирларини очиб беради ва кишини моҳиятдан воқиф қилади. Тафаккурнинг ўзи фойдали. Лекин уни сустлаштириш, ҳар бир масалада фалсафа сўқиб, уни аралаштиравериш муаммони келтириб чиқаради. Ҳақиқий муаммо мана шу, десак ҳам бўлади. Одамларда суст фикрлаш аслга айланиб, топқирликни йўқотдилар. Топқирлик келса ҳам фақат хатар пайтида келяпти. Ҳолбуки, у фақат хатар пайтида келмаслиги лозим. Топқирликка асосланиб чора қўллаш ҳам ҳосил бўлмай қоляпти. Аслида топқирлик хатар чоғида бўлсин, бошқа пайт бўлсин, келиши керак. Биз гоҳида чорага муҳтож бўламиз, гоҳида бўлмаймиз. Шунинг учун топқирлик доимий, ҳар бир нарсада бўлиши даркор. Фақат хатар пайтидагина бўлиши дуруст эмас. Ҳамма ҳолатларни қамраб олиши вожиб. Ҳамма нарсада ҳам чорага муҳтож бўлинмайди. Айримларида муҳтож бўлинса, айримларида эса йўқ. Шунга кўра унинг фақат хатарли ҳодисалар пайтидагина бўлиши кифоя қилмайди. Ҳамма нарсада бўлиши шарт. Шунинг учун ҳам топқирлик ҳар бир нарсада керакли иш. Унинг моҳияти тез фикрлаш эканлигидир. Муаммоси, яъни муаммосининг моҳияти эса суст фикрлашда яширинган.

Суст фикрлаш мустамлакачи Ғарбнинг диёрларимизга ҳукмронлик қилиши ва унинг фикрлари одамларни бошқараётганидан келиб чиқяпти. Одамлар бир қанча вақт суст фикрлашга ўралашиб қолдилар. Шу вақт ичида у уларнинг ақллари ва тафаккурларининг бир қисмига айланиб улгурди. Шунинг учун ҳам суст фикрлаш муаммога, муаммонинг моҳиятига айланди. Гарчи одамлар устига ёғилаётган балоларнинг энг кўриниб тургани шу бўлса ҳам, муаммо топқирлик эмас. Тафаккурнинг ўзи ҳам эмас. Чунки у ҳар бир инсонда ақли қандай бўлишидан қатъий назар жон каби мавжуд. Муаммо тафаккурдаги сустлик. Демак, топқирлик

тафаккурда сустлик қилмасликнинг натижаси. Тафаккур ҳар бир инсонда мавжуд бўлган табиий жараён. Тафаккурдаги сустлик муаммонинг моҳиятидир. Бу сустлик табиий, маҳаллий, техник бўлмай, Фарбнинг диёрларимизга, унинг фикрларининг одамларга ҳукмронлигидан келиб чиқаётгани учун ҳам муаммонинг моҳияти суст тафаккурдир. Бу муаммонинг мавжуд бўлишининг моҳияти эса Фарбнинг, унинг фикрларининг ҳукмронлигидир. Шу туфайли ҳал қилиш масаласи муаммонинг натижаларига, ҳар бир инсонда табиий бўлган нарсага эмас, унинг ўзига қаратилиши керак.

Модомики топқирлик муаммо эмас, муаммонинг натижаси экани исботланган экан, ҳал қилиш унинг натижаларига эмас, ўзига қаратилиши лозим. Натижалари муаммо деган асосда ҳал қилинмайди. Балки муаммонинг ўзи ҳал қилинади. У суст тафаккурдир. Уни ҳал қилиш одамлар устидаги ҳукмронликни ҳал қилиш билан амалга ошади. Хоҳ у Фарбнинг ҳукмронлиги бўлсин, хоҳ фикрларининг ҳукмронлиги бўлсин, фарқи йўқ. Шунга кўра, муаммонинг моҳиятини билиш зарур. Токи ҳал қилиш самара бермай қолмасин. Токи муаммодан бошқасига қаралмасин. Муаммонинг моҳиятини билиш шарт. Муаммонинг моҳияти тафаккурдаги сустлик бўлгани учун у асос бўлиб, муаммо моҳиятини ташкил қилади. Тўғри, Фарбнинг диёрларимизга, фикрларининг одамларга ҳукмронлик қилиши асос, лекин унинг йўқ бўлиши билан муаммо аниқ ҳал бўлмайди. У ҳал бўлса ҳам муаммо туравериши мумкин. Муаммони ҳал қилиш тафаккурнинг ўзини даволаш билан уни сустликдан тезликка, асталикдан зудликка кўчириш билан бўлади. Демак, Фарб ҳукмронлиги муаммонинг асоси бўлса ҳам, унинг ўзи эмас. Муаммо тафаккурдаги сустликдир. У ҳал қилинар экан, унинг асосидан яъни Фарбнинг илм-маърифат, маданият, ўнглиши, тикланиш каби шиорлар остида йўлдан оздирувчи, тойилтирувчи фикрларни тарқатишидан кўз юмилмайди. У муаммонинг асосидир. Фарбнинг ҳукмронлиги шу номлар, шу услублар билан. Уларнинг ҳукмронликни йўқ қилишга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Уни йўқ қилиш ҳукмронликка алоқадор жиҳатдан эмас, халққа алоқадорлиги жиҳатидан бўлади. Тўғри, асос бу – ҳукмронлик. Ҳукмронлик услублари ўзгариб тургач, махфийроқ, натижалироқ бўлиб ўзгариб турса-да, муаммо асос бўлиб, халққа оид бўлиб қолаверади. Яъни топқирлик фақат одамларга юклатилган. Лекин уларнинг ақллари ўзгариб, бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиб тургувчидир. Мана шу жиҳатга ишлов бериш вожиб. Ҳукмронлик гарчи асос бўлса-да, у халқнинг тушунчаларидан бошқа нарса эмас. Ҳукмронликни узун ёки қисқа

қиладиган нарса халқнинг тушунчаларидир. У муаммо ҳам, асос ҳам эмас. Мавзу ҳаётга ҳукмронликни ўзгартириш эмас, ҳаёт анжомлари хусусидаги тушунчаларни ўзгартиришдир. Шунинг учун ҳам нарсанинг нисбатини Ғарбга ёки ҳукмронликка бериш муаммодан қочишдир. Ишлар муаммо сари йўналиши керак. Муаммо топқирликни вужудга келтиришдир. Бу ишга ҳукмронлик йўлидан эмас, халқ йўлидан, ҳукмронликни ўзгартириш йўлидан эмас, ҳаёт анжомлари хусусидаги тушунчаларни ўзгартириш йўлидан борилади. Шу сабабли ишларни ҳукмронлик ёки Ғарб сари йўналтириб, муаммодан қочиш дуруст эмас. Ишлар халқ томон, тушунчаларни ўзгартириш томон, уларни ҳаёт анжомлари сари йўналтириш томон юзланмоғи лозим. Агар топқирликни вужудга келтирмоқчи бўлсак, Ғарб сари йўналишимиз дуруст эмас. Чунки у муаммонинг асоси. Ҳукмронлик сари йўналишимиз ҳам дуруст эмас. Чунки у муаммони вужудга келтирувчи омил. Бор эътиборимиз халқ сари, тушунчаларни ўзгартириш сари қаратилмоғи даркор. Шундай экан, одамларни, халқни тушунчаларни ўзгартиришга даъват этамиз. Салтанатни ўзгартиришга ҳаракат қиламиз. Лекин асл ишимиз ҳукмронликни эмас, одамлардаги тушунчаларни ўзгартиришдир.

МУАММОНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

Тафаккурдаги сустлик муаммо ёки муаммонинг моҳиятидир. Бу сустлик Фарбнинг диёрларимиз устидан, унинг фикрларининг одамлар устидан ҳукмронлигидан келиб чиққан. Шунинг учун ҳам бир қараганда, асосни ҳал қилиш муаммони ҳал қилишдек кўринади. Лекин унга чуқурроқ назар ташлайдиган бўлсак, икки иш намоён бўлади. Бири – муаммони янада катталаштириш. Иккинчиси – муаммони ҳал қилишдан қочиш. Шу туфайли бу асос фақат мулоҳаза қилиниши керак, холос. Ҳал қилиш унга боғлиқ эмас. Фарб ва унинг ҳукмронлиги ҳамма балоларнинг, жумладан, тафаккур сустлигининг ҳам асосидир. Ҳал қилишни фақат шу асосга қаратиш – у йўқ бўлиши билан сустлик ҳам йўқ бўлади, деганидир. Бу гап умуман тўғри бўлса-да, ҳаракат қилиш ҳам лозим. Ҳаракатни мулоҳаза қилмаслик муаммони катталаштириш демакдир. Шундай қилиб, муаммо асоснинг йўқ бўлиши ва ҳаракатнинг борлигидир. Ҳатто асос йўқ бўлган тақдирда ҳам ҳаракат бўлиши даркор. Асос қолдирган изларнинг йўқ бўлишига олиб борадиган омил асоснинг ўзи эмас, ҳаракатдир. Шунинг учун ҳам ҳал қилишнинг асли асосни йўқ қилиш эмас, ҳаракатдир. Демак, ҳаракат ҳал қилишдир. Асос, яъни Фарбнинг ҳукмронлиги мавжуд бўлиб қоладими, йўқ бўлиб кетадими, фарқи йўқ. Гарчи унинг йўқ бўлиши ҳаракатни енгиллаштириб, кўпроқ натижа беришга олиб борса ҳам. Шунга кўра, ҳаракатнинг ўзи бевосита ҳал қилмоғи лозим. Чунки унинг ўзигина асоснинг изларини ўчиради. Демак, энг аввало, ҳамма нарсадан олдин ҳаракат даркор.

Шундай қилиб, тафаккурдаги сустликнинг давоси ҳаракатдир. Шунга кўра ҳаракат қилиш шарт. Негаки, усиз ҳал қилиб бўлмайди. Шу туфайли тафаккур сустлигининг, топқирлик йўқлигининг ёки уни вужудга келтиришнинг ҳақиқий давоси фақат ҳаракатдир. Ҳаракат тафаккурдаги сустликка қаратилади.

Бу ҳаракатнинг йўналиши қандай бўлади?

Биринчидан: Ҳалққа ва шахсларга фикрлашлари учун кўп нарсаларни рўбарў қилмоқ лозим. Мана шу фикрлаш ва гаплашиш асносида фикрлашдаги сустликни мулоҳаза қилиш мумкин бўлади. Сустликни сезиш ёки мулоҳаза қилиш ҳал қилишнинг бошланғич нуқталаридир. Энди бу мулоҳаза ёки ҳис қилишни чуқур ўрганиб, тагига етайлик. Масалан, одамларга уларнинг келажаги, воқеи ёки тарихи хусусидаги бир масалани ташлайлик. Ана шунда уларнинг таҳлилни суст олиб бораётганларидан иш қўлларидан чиқиб кетаётганини кўрамиз. Шунингдек, улар воқеларини ҳам, тарихларини ҳам битта услуб билан таҳлил қиладилар. Ҳолбуки,

келажакнинг, воқенинг, тарихнинг таҳлиллари бошқа-бошқа нарсалардир. Лекин улар сушт тафаккурга одатланиб, бу нарса улар учун табиий бўлиб қолгани учун ҳам таҳлилни чўзиб, техник нарсалар тўғрисида ҳам фалсафа сўқийверадилар. Натижада келажак ҳам, воқе ҳам, тарих ҳам ойдинлашиш ўрнига баттар чигаллашади. Мана шу тафаккурдаги суштлик ҳаммадаги кўриниб турган жиҳатдир. Ана шу пайтда ташлаган масаламизни қандай бўлишидан қатъий назар қўйиб турамизда, ҳаммадаги умумий кўринишни олиб, уларнинг ёқасидан ушлаб, қаттиқ ҳужум қиламиз. Бу ишнинг жуда ёмон айб эканини баён қилиб, ундан нафратлантирамиз. Токи уларга асал ҳашоратнинг чиқиндисидир, дейишимиз мумкин бўлсин. Агар улар тафаккурдаги суштликни, яъни шошмай таҳлил қилишни ёмон кўриб қолсалар, уларда тезликка мойиллик уйғонади. Мана шу мойиллик даволанишнинг дастлабки аломатидир. Агар бу мойиллик аниқ кўринмаса, уни вужудга келтириш бизнинг вазифамиз. Бу нарса илҳом бағишлаш ёки тез муолажа ва тезликнинг таъсирини ошириш билан бўлади. Бу мойиллик ҳаммада бўлмаса ҳам, айримларда туғма, ҳеч қанча ўтмай қолганларда ҳам вужудга келади. Шунинг учун ҳам аввал масалани ўртага ташлаймиз, кейин кўриниб турган жиҳатга ҳужум қиламиз. Натижада тезликка мойил бўлишга эришамиз. Мана шу нарса муваффақиятнинг дастлабки кўриниши бўлади. Суштликни даволаш шарҳ, баён, хитоб ва китоб билан эмас, амалларни ўз ичига олган муайян сўзлар билан ёки амалларнинг ўзи билан ҳосил бўлади. Мана шу ҳаракатдир. Демак, ҳаракат муайян сўзлар ва кўриниб турган амаллардир.

Иккинчидан: Бу ишни кетма-кет, берилиб, одамлар ёки шахсларда малолланиш пайдо бўлгунига қадар қилиш керак. Бир ёки икки одамнинг, бас етар, дегани кифоя қилмайди. Ҳамма одамнинг шу гапни айтишини кутмасдан, уларнинг малолланаётганини ҳис қилиш лозим. Ана шундагина тўхташ мумкин. Бир неча заковатлилар ёки шахсларнинг гапи билан давомийликни тўхтатиб қўймаслик керак. Давомийлик фойда бермаётганини сезгунга қадар давом этиб, сезган заҳоти тўхтатиш керак. Бир неча заковатлилар воқедан эмас, умумий воқедан ҳис қилиши керак.

Учинчидан: Давомийликни хилма-хил усуллар билан олиб бориш лозим. Одамлар олдига уларнинг воқелари, келажаклари, тарихлари масаласи ташланар экан, уларнинг яшаш шароитларининг қолақлигига тўхталиб, яшаш тарзини белгилаш, уни қилич, куч билан бўлса ҳам мудофаа қилиш, бу тарзга қарши чиққанларга ён

бермаслик, уларга нисбатан душманларча муносабатда бўлиш ва бошқа масалалар хилма-хил шаклда ташланиши керак. Айни пайтда бу масалалар жонни хавф-хатарга солиш, курси, товоқ каби техник нарсалар эмас, тафаккурга чорловчи масалалар бўлмоғи лозим.

Тўртинчидан: Масалаларни ўртага ташлаётган вақтда улардан ва уларнинг оқибатидан огоҳ бўлиш керак. Токи улар устидан чиқараётган ҳукми, билдираётган мулоҳазалари тўғри бўлсин. Токи сўзловчининг ҳам, тингловчининг ҳам ўқи нишонга тегсин. Агар огоҳлик бўлмаса, ҳамма нарса барбод бўлади. Чунки усиз давомийлик, такрорлаш ва хилма-хилликдан фойда йўқ. Демак, огоҳлик ҳал қилиш заруратларидан биридир.

Хўш, энди «Ким ҳал қилади?» - деган савол турибди. Зеҳнга дарров етакчилар, мухлислар, одамлар ва шахсларни бошқарувчилар, деган фикр келади. Лекин воқе ҳар бир одам шу тўрт шарт асосида юрса бу ишни қилиши мумкинлигини кўрсатиб турибди. Шунинг учун ҳам ҳал қилиш муайян бир кишининг мавзуси эмас, умумий мавзудир. У етакчиларни, мухлисларни, бошқарувчиларни, умуман, ҳамма одамни ўз ичига олади. Ҳатто биров ўзига-ўзи масала ташлаб, ўзини-ўзи ҳал қилса ҳам бўлаверади. Шу туйғайли ҳал қилиш ҳар бир инсоннинг мулки эканини батамом билиш лозим. Ҳар бир инсон – гарчи битта шахс бўлса ҳам – ўзига ўзи бўлса ҳам амалга ошириши мумкин. Демак, муҳими кимнинг ҳал қилиши эмас, ҳал қилишнинг ўзидир.

ҲАРАКАТ ВА ТОПҚИРЛИК

Биз ҳаракат тафаккур сустигини, яъни топқирликни даволайди, дедик. Лекин топқирликни муолажа қилиш учун яна бир нарса ҳам қўшилиши керак. Чунки, гарчи топқирлик тафаккур ва заковатдан келиб чиқса-да, у заковатсизлардан ҳам ёки заковати пастлардан ҳам содир бўлаверади. Бундан ташқари, тез фикрлаш топқирликни гоҳида вужудга келтирса, гоҳида келтирмайди. Шунинг учун ҳам ҳаракат асосида тез фикрлашни вужудга келтириб, топқирликни ҳал қилиш ўта некбинлик (оптимизм) ва нарсаларга уларнинг моҳиятидан ёки кўтаришидан кўпроқ нарсани беришдир. Умар ибн Хаттоб رضي الله عنه га бир аёл тарафидан қилинган шикоят мисолида бунга воқеий далил бордир. У аёл Умар ибн Хаттоб رضي الله عنه нинг олдига келиб, эридан шикоят қилди, лекин очиқ гапирмади. Топқирлиги бор одам тушунадиган қилиб ишора қилди. Умарга: «Эрим кечаси намоз ўқиб, кундузи рўза тутади», деди. Бунга жавобан Умар: «Нақадар яхши эр экан», деди, холос. Аёл кетди. Турганлардан бири Умар رضي الله عنه дан заковати ва тез фикрлаши оз бўлса ҳам: «Аёл эридан шикоят қилган эди, унга инсоф қилмадингиз», деди. Умар: «Қанақасига?» - деб сўраган эди, «Эри кечаси билан намоз ўқиса, кундузи рўза тутса, хотинига қачон бўшайди?», деб жавоб берди. Шунда Умар: «Тўғри айтдинг», деб шикоятни, арзни қондиришга ҳаракат қилди. Шу ҳолатда Умарда топқирлик бўлмади ва тез фикрлаш унга фойда бермади. Демак, ҳаракат гарчи тез фикрлашнинг ўзига қаратилса ҳам, ундан топқирликни вужудга келтириш ирода қилинган пайтда бошқа бир нарсани ҳам қўшиш лозим. У нарса топқирликнинг мавжудлигига далолат қилувчи масалалар баёнидир. Қаердаки масала ташланиб, такрорланса, хилма-хиллашса, тез фикрлаш ҳосил бўлади. Лекин у тез фикрлашни эмас, топқирликнинг ўзини ҳал қиладиган пайтда топқирлик далолат қиладиган масалалар баёни ҳам қўшилиши керак. Уларни идрок қилиш топқирликнинг бор-йўқлигини кўрсатади. Топқирликнинг тез фикрлашдан келиб чиқиши, унинг тез фикрлаш натижаси экани жиҳатидан тўғри, лекин у узил-кесил натижа эмас. Шунинг учун тез фикрлашни ҳал қилиш топқирликни вужудга келтиришни ҳал қилади. Лекин у гоҳида вужудга келтиради, гоҳида келтирмайди. Демак, тез фикрлаш топқирликка олиб боради, лекин уни вужудга келтирмайди. Уни вужудга келтирадиган нарса тез фикрлашдаги топқирликни вужудга келтиришга олиб борадиган хусусиятларни тез англаб олишдир. Бир мисол келтирамиз. Шоир мана бу машҳур байти билан амирни мақтади:

Саховатда Хотам, ҳилма Ахнаф,
Заковатда Аёз Амрга шараф.

Шунда турганлардан бири, амир сен сифатлагандан юқорироқ, деди. Шоир амирнинг шижоат, саховат, ҳилм ва заковатда айтиб ўтганларидан юқорироқ дейилаётганини тез англаб, гапни мисолга буриб, машҳур икки байтни айтди:

Қуйироқдан мисол олсам айб этманг,
Саховатни, шижоатни айтмоққа.
Ахир Оллоҳ мисол олиб қуйидан,
Ўз нурина ўхшатганку чироққа.

Шоир топқирлиги туфайли қилмишини тушунтириб берувчи шакл билан узрини айтди. Унинг сўзи амирни пастлатиш, деб тушунишнинг нотўғри эканини баён қилди. Чунки гап ҳақиқатни баён қилиш эмас, шунчаки мисол келтириш эди, холос. Ҳамма нарсадан буюк бўлган Оллоҳ Ўзидан кичик ва паст нарсаларни мисол келтирган. Агар унинг топқирлиги ва воқени тез илғаб олиши бўлмаганида ҳалокатга учрар эди. Мақтамоқчи бўлиб, ёмонлаш хатарига тушиб қолар эди. Демак, уни топқирлик ёки топқирликка олиб борувчи тез илғаб олиш қутқариб қолди. У бўлмаганида хатарга тушар эди. Шундай қилиб, топқирлик тез илғаб олишдан келиб чиқади. Ундан бошқасидан келиб чиқиши мумкин ҳам эмас. Тез илғаб олиш эса ҳар доим ҳам топқирликка олиб боравермайди. Умар ибн Хаттоб ﷺ тез илғайдиган одам бўлишига қарамасдан, бу нарса уни топқирликка олиб бормагани бунга мисолдир. Машҳур икки байтда эса тез илғаб олишдан топқирлик келиб чиқди. Шунга кўра, бўлаётган воқеалар топқирлик фақат тез илғаб олишдангина ҳосил бўлаётганини аниқ кўрсатиб турибди. Агар топқирлик вужудга келтирилмоқчи бўлса, тез илғаб олишни ҳам вужудга келтириш шарт. Шунинг учун ҳам одамларда тез илғаб олишни вужудга келтириш учун ҳаракат қилиш керак. Лекин тез илғаб олиш топқирликни гоҳида келтириб чиқарса, гоҳида келтириб чиқармайди. Уни келтириб чиқариш учун бошқа нарсаларни ҳам келтириш зарур. Улар қўйилаётган масалага илова қилинадиган идрок этиладиган ишлар баёнидир. Уларнинг мавжуд бўлиши ва идрок этиладиган ишлар жумласидан бўлиши кифоя қилмайди. Агар Умар ибн Хаттобнинг олдида турганларнинг бирида топқирлик бўлмай, у кишининг назарини аёлнинг гапига қаратмаганида, Умар ﷺ уни илғаб олмаган бўларди. Агар шоир эътироз билдирувчининг сўзидаги маънони тушунмаганида, қилмишини илғаб, кейинги байтларни келтиролмаган бўларди. Демак, нарсага ёки гапга хоҳ топқирлик билан бўлсин, хоҳ топқирлик тақозо қиладиган нарса

билан бўлсин, назар ташламоқ лозим. Шунинг учун ҳам тез фикрлашдаги ҳаракатда тез фикрлашнинг ўзигина эмас, топқирликни вужудга келтириш ирода қилинадиган бўлса, унга бошқа нарсалар ҳам қўшилиши шарт. Масалан, одамларга уларнинг келажаги масаласи ташлансин. Шахснинг келажаги бўладими, умматнинг келажаги бўладими, мамлакатнинг келажаги бўладими, фарқи йўқ. Дейлик, Мисрнинг келажаги. Бунда одамлардаги яшаш даражасига ёки бўлаётган ижтимоий зулмга назар ташлашнинг ўзи кифоя қилмайди. Бундай пайтда улар дарров социализмни танлайдилар. Чунки уни ишлаб чиқаришда илғор, яшаш даражаси юксак ва шу юксалишида ижтимоий зулмга барҳам беради, деб биладилар. Демак, тез фикрлаш гоҳида ирода қилинган нарсанинг аксига ҳам олиб бориб қўяди. Лекин агар бунга одамларнинг мусулмон экани, Ислом фаровон ҳаёт деганда, тўқликка шўхликни назарда тутмаслигини, ижтимоий зулмга барҳам бериш деганда, бор қадриятларни, айрим одамлардаги фавқулодда заковат ва қобилиятни ерга уришни назарда тутилмаслиги ҳам қўшилса, натижа кўнгилдагидек бўлади. Бундай қилмаслик нотўғри танлашга ва топқирлик ёки тез фикрлашдан ҳақиқатга етиб боролмасликка олиб бориб қўйиши мумкин. Шунинг учун ҳам Мисрдаги одамлар мусулмон экани, келажакнинг давоси Ислом экани изофа қилиниши лозим. Демак, топқирлик пайдо бўлиши учун қўйилаётган масалага қўшимча қилиб, ҳақиқий нарсаларни киритиш керак. Уларнинг мисоли Мисрдагидек мавжуд бўлиши ҳам ёки Франциядагидек мавжуд бўлмаслиги ҳам мумкин. Демак, топқирликнинг вужудга келиши ва тез фикрлашнинг ўзи бўлиб қолмасдан таъсир кўрсатиши, натижа бериши учун қўшимча бўлиши зарур. Шунга кўра, ҳаракат топқирликни, айниқса натижа берадиган топқирликни ҳар доим ҳам вужудга келтиравермайди. Шунинг учун ҳам тез фикрлашни вужудга келтиришда ҳаракатнинг ўзи тўғри бўлар, аммо топқирликни вужудга келтиришда, уни натижа, самара берадиган қилишда бошқа бир қўшимчанинг ҳам бўлиши зарур. У ташланаётган масалага назар қаратишдир. Аммо ноқислигини ёки ундаги нарсани баён қилиш Умар ибн Хаттобга эридан шикоят қилган аёл мисолидек, махфий ишлардандир.

АВВАЛО НИМА ҚИЛМОҚ КЕРАК?

Тўғри, бор муаммо одамларнинг тафаккурни муқаддаслаштириб, у билан овора бўлиб қолганларидир. Буни зиён-заҳмат етказмасдан даволаб бўлмайди. Чунки тафаккур билан шуғулланиш мустаҳаб иш бўлиб, ундан қайтариш ҳаётдаги муваффақият асосидан қайтариш билан баробар. Тафаккурни муқаддаслаштириш, у билан машғул бўлиш мустаҳабгина эмас, ҳатто вожиб ишдир. Чунки у энг олий қадриятлардан бири бўлиб, умматга ва шахсларга зарар қиладиган бошқа қадриятларга барҳам беради. Шунинг учун ҳам тафаккурни муқаддаслаштириш шарт. Зиён-заҳмат етказмаслик учун, яъни одамларнинг тафаккурни муқаддаслаштириб, у билан машғул бўлишларидан ажратиб қўймаслик учун бир иш қилиш керак. Яъни тафаккурнинг ёнига бошқа нарсаларни ҳам қўшимча қилиш лозим. Масалан, одамларнинг тафаккур билан машғул бўлаётганлари ёнига унинг воқеини ёки фикрланаётган нарсанинг воқеини қўшиб берамиз. Шунда улар техник нарсалар хусусида ҳам фикр юритавермасдан, уларни кўриш ёки номини эшитиш билан кифояланадилар. Ўзни хавфга солиш, товоқ, курси деган нарсаларга зеҳни овора қилиб, тафаккурни машғул қилиш тўғри эмас. Шу билан тафаккур билан шуғулланишга ҳам, уни муқаддаслаштиришга ҳам ҳалақит қилмаган, балки уни ўз ўрнига қўйган бўламиз. Ана шу пайтда одамлар техник нарсалар хусусида фикр юритишдан қайтадилару, тафаккур билан шуғулланишлари, уни муқаддаслаштиришлари қолаверади. Дейлик, тафаккур ўз йўлида кетаверсин. Қаерда шошилиш керак бўлса, шошилтирайлик. Бу нарса ҳаракат билан бўлади. Қаердаки секинлик керак бўлса, секин кетаверсин. Сиёсат тўғрисида фикрлаш ёки фикрлар далолат қиладиган далолатлар хусусида фикр юритишда шундай бўлади. Бундай пайтда тезлик эмас, секинлик фойда беради. Шу билан тафаккурнинг биз хоҳлаган тарафдан эмас, ўз йўлидан боришини таъминлаган бўламиз. Қаерда тезлик керак бўлса, тезлик, қаерда керак бўлмаса, асталик бўлади. Топқирликни вужудга келтириш учун тезлик зарур бўлса-да, лекин у ҳаётдаги ҳамма нарса эмаслигини билиш лозим. Шунинг учун ҳам тезликни ҳаёт жангида зафар қучиш учун етарли миқдордагина вужудга келтириш керак. Унинг ҳамма нарсага зўравонлик қилишига йўл қўймаслигимиз лозим. Бу – гап ва ҳодисалар борасидаги иш. Мақсад эса энг аввало, уни вужудга келтиришдир. Яъни диллар тафаккур билангина овора бўлиб, уни муқаддаслаштирибгина қолмасинлар. Айни пайтда у фикр билан шуғулланиш ва уни муқаддаслаштиришга ҳалақит қилиб қўймасин. Бошқачароқ қилиб айтганда, ҳаётда ва инсонда

«туйғу маркази» деган нарса бор. Энг биринчи қилиниши керак бўлган иш одамларга шу марказни тушунтиришдир. Агар диллар бу марказни ва унинг одамга таъсирини инкор қилсалар, туйғудан бегоналашиб, тафаккур билан овора бўлиб, унинг муқаддаслиги туйғуга ва барча нарсага зўравонлик қилишига йўл очиб берган бўладилар. Модомики, тафаккур ва топқирликни даволаш ирода қилинаётган экан, туйғуга, унинг марказига, таъсирига ва мавжуд бўлишининг зарурлигига таянмоқ лозим. Инсон ақл ва туйғудан таркиб топган. Ислом ақлни ҳам, туйғуни ҳам бирга олиб келган. Туйғу ҳам ақл каби инсоннинг ажралмас бир бўлагидир. Яхши кўриш, ёмон кўриш, дангасалик, ғайратлилик, хафалик ва хурсандлик каби ишлардан инсон холи бўлолмайди. Шунингдек, ақлдан ҳам. Агар инсон фақат туйғу тарафига ўтиб кетса, ҳаётдаги бошқарувини йўқотади. Тафаккур ёки ақл билангина машғул бўлиб қолса, қатъиятини, қувватини йўқотади. Чунки туйғу ҳаракатга келтирувчи, ақл эса йўлга солувчи омилдир. Йўлга солинмаган ҳаракат ҳамма нарсени вайрон қилади. Йўлга солингани билан ҳаракат бўлмаса, ҳеч қандай натижа бермайди. Ислом ҳаётда умматни ақл ва туйғу билан бошқариб борган пайтда олқишга сазовор бўлган. Замонлар ўтиб, турли ҳодисалар рўй бергач, туйғу андаккина ҳаракат билан, қадимий эҳтирос қуввати билан, бошқачароқ қилиб айтганда, мудофаа қуввати билангина юриб, йўлга солувчидан беҳожат бўлиб, ҳукмронга айланди. Мана шу вақтда Ислом ва мусулмонлар билан куфр ва кофирлар ўртасида жанг бошланди. Мусулмонлар йўлга солувчиларни, яъни тафаккурни йўқотган эдилар. Шунинг учун ҳам уларнинг фаолиятлари ҳеч қандай натижа бермай, душман ғолиб бўлди. Улар, душман ақл ва тафаккур билан ғолиб бўлди, биз эса туйғу билан овора бўлиб қолганимиз учун мағлуб бўлдик, деб ўйлашиб, туйғудан юз ўгирдилар ва тафаккур сари юзландилар. Натижада тафаккур келтириб чиқариши мумкин бўлган ҳамма нарсдан маҳрум бўлдилар. Тафаккурни муқаддаслаштириб, техник нарсаларга ўралашиб, суст фикрлайдиган бўлиб қолдилар. Натижада туйғу бўлмаганлиги туфайли топқирликни бой бердилар. Шунинг учун ҳам энг аввало, туйғуни ўзининг муносиб ўрнига қайтаришимиз керак. Ана шунда тафаккур ўз ўқига қайтади. Техник нарсалар хусусида фикр юритилмасдан инсонда тез фикрлаш вужудга келади. Демак, масала тафаккурга эмас, туйғуга ва унинг ўрнига алоқадор. Шу туфайли энг аввало, инсонда мавжуд бўлган туйғуни фаолиятга қайтармоқ лозим. Демак, муаммо одамларнинг фикр билан шуғулланишлари ва уни муқаддаслаштиришлари эмас, балки

туйғуни ўз марказига қайтаришдир. Тўғри, туйғу ҳам инсонда ақл каби мавжуд бўлиб, уни ҳеч ким инсондан суғуриб ололмайди. Лекин масала туйғу билан шуғулланиш ва тафаккур билан шуғулланиш масаласидир. Туйғу инсонда ҳамон мавжуд, лекин у билан шуғулланиш йўқолиб, устига-устак унга қарши ҳужум бошланди. Тафаккур билан шуғулланиш ортиб, туйғунинг ўрнини ҳам эгаллаб олди. Шу сабабли кофир одамларни туйғудан буриб юборишга муваффақ бўлди. Модомики, ундан бурилган эканлар, унинг остидаги нарсалардан ҳам маҳрумдирлар. Тез фикрлашдан ҳам, топқирликдан ҳам ажралдилар. Тафаккур билан шуғулланишга муккадан кетиб, ҳамма одамларда тафаккурдан фойдалана олмаслик, топқирликни йўқотиш юзага келди. Бунинг асоси тафаккурга машғул бўлиш билан чекланиб, туйғу билан шуғулланишни четга суришдир. Модомики, инсон ақл ва туйғудан таркиб топар экан, улардан бирини ишдан чиқариш бошқасини ҳам ишдан чиқариш демакдир. Яъни туйғуни ишдан чиқариш ақлни ишдан чиқариш, демакдир. Чунки у – гарчи ишдан чиқмаса ҳам – туйғусиз натижа бермайди. Шунинг учун ҳам ақл ёки тафаккур фақат туйғу мавжуд бўлгандагина натижа бериши мумкин. Бу ерда туйғунинг инсонда туғма мавжуд бўлиши эмас, у билан шуғулланиш назарда тутиляпти. Демак, туйғу билан шуғулланиш тафаккур билан шуғулланиш билан бирга тафаккурни ўз ўрнига қайтариб, уни самарадор қилади. Шунга кўра, тафаккур самарадорлигининг давоси тафаккур билан шуғулланишдир. Шу туфайли, энг аввало қилишимиз керак бўлган иш тафаккур билан шуғулланиш ёнида туйғу билан ҳам шуғулланишдир.

ҲАРАКАТ ВА ТОПҚИРЛИК

Ҳаракат тез фикрлашни вужудга келтиради ёки фикрлашнинг тезлашишига олиб боради. Тез фикрлаш эса топқирликни вужудга келтиради ёки топқирликка олиб боради. Лекин топқирлик ўзи алоҳида бир нарса. Тафаккур қанчалар тез бўлмасин, ҳаракат қанчалар кучли ва мустаҳкам бўлмасин, топқирлик ўзи алоҳида мавжуд бўлмаса, уни вужудга келтириш учун қилинган ҳар қандай сунъий ишдан фойда йўқ. Бунга далил Умар ибн Хаттоб رضي الله عنه ҳодисаси. Шубҳасиз, у кишида тез фикрлаш ҳам, топқирлик ҳам бор эди. Лекин аёлнинг эри устидан шикоят ҳодисасида улар иш бермади. Фақат аёлнинг эри ҳақидаги, кечаси намоз ўқиб, кундузи рўза тутди, деган гапидан эр-хотинлик ҳуқуқларини бузаётганини назарда тутиб, Умарга шикоят билан келганини тополмай қолди. Умар бу шикоятни тушунмади. У аёл эрини мақтаяпти, деб тушунди. Турганлардан бирида топқирлик бор бўлиб, шикоятни англади. Бу воқеадаги Умар رضي الله عنه да бўлмаган топқирликнинг бошқа бир одамда бўлиши ҳар бир ҳодисада алоҳида бир топқирлик мавжудлигининг далилидир. Шунинг учун ҳам ҳаракат топқирликнинг ўзини эмас, топқирлик фикратини вужудга келтиради. Демак, топқирлик тез фикрлашга, нарсани тез илғаб олишга, ҳодисага, кишидаги топқирлик фикратининг мавжудлиги билан бирга алоқадор. Тез фикрлаш каби ишлар, ҳаракат каби фикрлаш топқирлик фикратини вужудга келтириш турткиларидан бошқа нарса эмас. Топқирлик эса алоҳида хусусият бўлиб, у ўз-ўзидан ҳосил бўлиши шарт. Шунга кўра, модомики гап топқирлик ҳақида борар экан, унинг одамлар ва шахсларда алоҳида ўзи бўлиши лозим. Унинг манфаатларини, тайёргарлигини, униб ўсадиган ерини вужудга келтирувчи омил унинг фикратидир. Ўзи эса вазиятларга, шароитларга, гапнинг ёки ҳодисанинг боришига қараб вужудга келади ёки йўқ. Масалан, Умар ибн Хаттоб аёлнинг эри ҳақида кечаси намоз ўқиб, кундузи рўза тутишини гапиришини мулоҳаза қилмади. Бу гапнинг айнан амирул мўмининга гапирилиши мақтов эмас, шикоят, деб эътибор қилиниши ҳақида ўйлаб кўрмади. Бу нарса уни топқирликдан буриб юборди. Бошқа бир шахс эса мулоҳаза қилиб, ўзида топқирликни вужудга келтирди. Мана шу мулоҳаза қилмасликнинг ўзи унда, яъни амирул мўмининда топқирлик йўқ, дегани эмас. Зеро, топқирлик фикрати ҳалиги одамдан кўра Умар رضي الله عنه да кўпроқ. Бу ерда Умар رضي الله عنه қилмаган мулоҳазани ҳалиги одам қилди, холос. Демак, топқирликни вужудга келтирган омил муайян вазиятдир. Ҳар ҳолда бу ҳам заковатга

далолат қилади. Демак, топқирлик фикрати йўқ одамдан топқирлик содир бўлмайди. Ҳатто фикрати бор одам ҳам муайян ҳодисадаги муайян вазиятлар ва ишларни мулоҳаза қилиб кўриши керак бўлади. Шунинг учун ҳам битта ҳодисадаги топқирлик кимдан содир бўлса, унда табиий, туғма экан, деган хулосани бермайди. Гарчи унда топқирлик фикрати мавжуд бўлиши шарт бўлса ҳам. Демак, мавзу одамларда топқирликни вужудга келтириш учун фаолият кўрсатишдир. Бу нарса унинг фикратини ҳосил қилиш билан бўлади. Топқирликни вужудга келтириш учун фаолият кўрсатишдан иборат бўлган юқорида айтиб ўтган баҳсимиз унинг ўзини эмас, фикратини ёки унинг учун тайёргарликни пайдо қилиш учун қилинган ишдир. Шунинг учун ҳам муайян бир ишни мулоҳаза қилиш топқирлик баҳсларидан, дейилмайди. Чунки у ўткинчи нарса. Гоҳида топқирликни вужудга келтирса, гоҳида келтирмайди. Асос одамларда топқирликнинг ўзини эмас, фикратни ёки тайёргарликни вужудга келтиришдир.

Биз, топқирликни йўқотдик, деб шикоят қилаётганимиз йўқ. Балки топқирлик фикратининг, унинг учун тайёргарликнинг батамом йўқ бўлиб кетганидан нолияпмиз. Демак, фаолият унинг фикратини, унга лозим бўлган тайёргарликни вужудга келтириш учун бўлмоғи лозим. Ана ундан кейин уни вужудга келтиришга ундашни мулоҳаза, воқеалар, ҳодисалар ва шароитларга қўйиб берилади. Шунинг билишимиз керакки, биз одамларда топқирликни дарров ҳосил қилмоқчи эмасмиз. Чунки бу иш номаъқул, фойдасиз ва айни пайтда бўлиши маҳол ишдир. Шунинг учун ҳам топқирликни тарбиялайдиган омилни, унинг униши учун унумли тупроқни, бошқачароқ қилиб айтганда, унинг фикрати ёки унга лозим бўлган тайёргарликни вужудга келтириш учун фаолият кўрсатиш вожиб. Ана шу пайтда топқирлик вужудга келиб, унинг мавжудлиги табиий ишга айланади. Бутун Ислом диёрларида мусулмонлар топқирликни батамом йўқотганлари йўқ. Фақат уларни топқирликка ундайдиган бир ундовчи ва уни ўстирадиган тупроқ қолмади, холос. Демак, ана шу тупроқни, ана шу иқлимни, бошқачароқ қилиб айтганда, топқирлик фикратини ва унинг учун тайёргарликни пайдо қилиш йўлида фаолият кўрсатилиши керак.

ШУ КҮННИНГ ВОҶЕСИ

Одамларда кунда бўлиб турган ҳолат уларнинг шахс, жамоа ва жамият бўлишларидан қатъий назар ҳар бир нарса хусусида сушт фикрлашлари. Ҳар бир нарсани арзиса-арзимаса ўрганаверадилар, фикрлайверадилар, тадқиқ қилаверадилар. Бу нарса топқирликни вужудга келтириш учун замин тайёрлашга зид иш. Чунки у инсонни тез фикрлашдан аста-аста узоқлаштириб, сушт фикрлаш, ўрганавериш, тадқиқ қилаверишларга мубтало қилиб қўяди. Шунинг учун ҳам топқирликни вужудга келтиришда бу воқедан чиқиб тез фикрлаш сари юрмоқ лозим. Модомики сушт фикрлашдан чиқилмас экан, топқирликни юзага келтиришга ҳам, унинг заминини ҳозирлашга ҳам ўтиб бўлмайди. Демак, ҳал қилишдаги эътибор топқирликнинг ўзини эмас, унинг заминини, фикратини ёки унинг учун тайёргарликни юзага келтиришга қаратилмоғи лозим.

Топқирлик билан топқирликнинг содир бўлиши орасида фарқ бор. Масалан, Умар ибн Хаттобнинг асрини, шу асрда яшаган жамоани ёки Исломи билан бошқарилаётган жамиятини олайлик. Шахсларда ҳам, жамоаларда ҳам, жамиятда ҳам топқирлик кучли тарзда мавжуд эди. Топқирлик Умар ибн Хаттоб ﷺ ёки жамоасидаги бошқа биронтасидан содир бўлиши муҳим эмас. Муҳими унинг мавжудлиги. Биз мана шу асрда мусулмонлар жамоасида ва уларнинг Исломи билан бошқарилаётган жамиятида уни вужудга келтирмоқчимиз. Ундан кейин етакчиларда ёки оддий одамларда унинг бўлиш-бўлмаслиги бошқа масала. Лекин у заковатлилардан содир бўлади, эси пастлардан эса камдан-кам содир бўлиши мумкин.

Бор мавзу йўқдан бор қилиш эмас, бўлиб турган воқени ҳал қилишдан иборат. Бўлиб турган воқе топқирлик заминининг йўқлигини кўрсатяпти. Демак, мақсад – уни вужудга келтириш. Яъни, ҳамма нарсадан аввал мана шу заминни ҳозирлаш. Шу туфайли воқени, одамларнинг ҳолатини англаб туриб, улар ҳал қилинади. Воқе сушт фикрлаш, ўрганавериш, текширавериш фикратининг мавжудлиги. Мана шунинг ўзи топқирлик фикратини ўлдиришга кифоя. Демак, умуман ўрганавериш, текширавериш фикратини йўқ қилиш керак. Токи топқирлик фикрати вужудга келсин. Ҳамма нарсадан аввал замин ва иқлим ҳозирлаш лозим. Ундан кейин топқирлик вужудга келади.

Топқирликни вужудга келтириш хусусидаги айтиб ўтганларимиз уни пайдо қиладиган фикрлар бўлса-да, лекин ҳар ҳолда унинг заминини, иқлимини ҳозирлаш лозим. Демак, асл иқлим ва заминдир. Улар эса дилга ва нуқтаи назарга алоқадор. Замин дилнинг касаллик хатарини англаб, даволанишга тайёр бўлишидир.

Иқлим эса шу хусусда умумий фикрнинг юзага келишидир. Демак мавзу, асосан, нуқтаи назар масаласидир. Агар нуқтаи назар, «ҳамма нарсани арзиса-арзимаса ўрганиш, фикрлаш, текшириш керак»дан иборат бўлса, топқирлик, яъни тез фикрлашнинг вужудга келиши мутлақо мумкин эмас. Чунки ҳамма нарсани арзиса-арзимаса ўрганавериш, текширавериш топқирликни узоқлаштиради. Демак, аввало диллардан мана шу нуқтаи назарни йўқ қилиб, уни таг томири билан батамом ўзгартириб, ундан кейин даволаш жараёнини бошлаш керак. Асл – замин, яъни асосий нуқтаи назардир. Нуқтаи назарни ўзгартириш билан замин ҳозирланади. Уни ўзгартириш эса осон иш эмас. Чунки одамлар ҳамма нарсани фикрлайверишга ўрганиб қолганлар. Тўғри хулосага мана шу фикр олиб боради, деб биладилар. Суст ёки тез бўлишидан қатъий назар, уларга фикр керак, холос. Умидларини фақат фикрга боғлайдилар. Шунинг учун ҳам ҳал қилишни фикрлаш устига қуриш тўғри эмас. Чунки у воқенинг, мақсаднинг хилофи. Уни фикрлашнинг хилига, суст ёки тез эканига қуриш керак. Шунга кўра фикрни муқаддаслаштириш, унга тарғиб қилиш, ўз ҳолига ташлаб суст фикрлаш ва суст натижаларни ҳал қилишга ўтилади. Дилларни фикрлашдан қайтариш эмас, аксинча, унга йўллаш лозим. Мана шу билан тез фикрлашни вужудга келтириб, яъни фикрлашни сустликдан тезликка олиб ўтиб, топқирлик фикратини вужудга келтирган бўламиз. Аммо унинг мавжуд бўлиши ёки бўлмаслиги бошқа масала бўлиб, унга аралашимизнинг ҳожати йўқ. Чунки у тадқиқ қилинадиган, кўзланадиган иш эмас. Шунга биноан, муаммонинг воқеи бизга замин ҳозирлашимиз учун, иқлим тайёрлашимиз учун қандай йўл тутишимиз кераклигини кўрсатиб беради. Муаммонинг воқеи одамларнинг фикрни муқаддаслаштириб, уни олий мартабада кўраётганларидир. Айни пайтда ўрганиш, текшириш шарт, деб билаётганларидир. Шунга кўра ҳал қилиш мана шу воқе устига қурилади. У тафаккурнинг ўзи бўлиши мумкин эмас. Унинг ёнида ўрганиш, текшириш ҳам бор. Фикрланадиган ҳамма нарса ҳам ўрганиб, текширилавермайди. Техник фикрлаш ўрганиш ва текширишга зарар қилади. Масалан, курси. У ҳам ҳаётнинг бир нарсаси. Уни ўрганиш, текшириш тўғри эмас. У курси деб қўйилади, холос. Ундан у ёғига ўтилмайди. Хуллас, шундоқ ҳам тушунилиб турган нарсанинг воқеи номини айтишнинг ўзи билан намоён бўлиб, уни ўрганиб, текширилмайди. Техник фикрлаш тўғрисида айтилган гап бошқа кўп фикрларга ҳам тўғри келади. Демак, ҳамма нарсани ўрганиб, текширавериш хато. Тўғрилиқ эса ҳаёт нарсаларига нуқтаи назарда. Агар нарсани ўрганиб, текшириш керак бўлса, ўрганиб,

текширилсин, керак бўлмаса, тек қўйилсин. Шу билан ечимга, қолаверса, топқирликка эришамиз.

Нарсани ўрганиб, текшириш керак ёки керакмаслигини белгилаб берадиган омил уни ўраб турган шароитлардир. Масалан, Фарбнинг Ливан ва Исроилнинг Ислом диёрларига чегарадош шарқи Ўрта ер денгизи ҳавзасидаги кўприкнинг икки боши қилиб қўйгани шубҳасиз, аниқ бир иш. Лекин кўприкнинг бир бошини бузиш, ўрганиш ё текширишга муҳтож ёки муҳтож эмаслигини шароит белгилаб беради. Агар шароит Фарбнинг кўприкнинг бу бошидан беҳабарлигини, уни қийинчиликсиз бузиш мумкинлигини кўрсатаётган бўлса, у ўрганиб-текшириш тўсқинлик қиладиган, ишни орқага сурадиган, душманнинг фойдасига ишлайдиган бир омил бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам унга ҳақиқий назар ташланади. Кўприкнинг бу бошини Фарб ўзи қуриб, ундан беҳабар бўлиши билан унинг бузилишидан қўрқиб туришнинг ўртасида фарқ бор. Унинг беҳабар ҳолатида фикрлаб ўтириш эмас, ишни тез қилиш, топқирлик керак бўлади. Агар Фарб кўприк бузилишининг олдини олиш учун қувватларини тўплаб қўйган бўлса, уни ўрганиш, тадқиқ қилиш керак бўлади. Ўрганиб, текширилмаса, ҳалокат юз беради. Шунга кўра масала ўрганиб текширишлар масаласи эмас, шароитлар масаласидир. Агар шароитлар ўрганиб текширишни тақозо қилса, ўрганиб текширилади. Агар тақозо қилмаса тез англаб, топқирликни ишлатиш зудлик билан ишга киришилади. Шунга кўра, ҳакам шароитлардир.

Бу биринчидан. Иккинчидан эса заковатлиларда тез фикрлашга муҳаббат бўлиши керак. Улар ишнинг ўрганиб-текшириш зарур бўлган турига кирадими ёки йўқ эканини билиш учун шароитларни ўрганиш билангина кифояланмасдан тез фикрлашга одатлансинлар. Бунинг учун уларнинг эътиборини ўрганиб текширишга эмас, фикрлаш турига қаратиш керак. Улар табиатан тез фикрлашга, тез ҳукм чиқаришга, тез қарор қабул қилишга мойилдирлар. Мана шунинг ўзи улар билан алоҳида, хос муомала қилишга кифоя қилади. Аслида ҳамма нарсага назар ташланади. Агар у фикрлашга, ўрганишга, текширишга лойиқ бўлса, ўрганиб, текширилади. Агар лойиқ бўлмаса, уни ўрганиб-текшириш зарар ва кечикишга олиб боради. Заковатлиларга эса, ҳар битта фикрда тезлик бўлиши шарт, дейилади. Улар билан алоҳида хос муомала қилинади. Шу билан улар суст фикрлашдан тез фикрлашга, яъни топқирликка сакраб ўтишга ёрдам берадилар. Бошқалар эса уларга тақлид қиладилар. Уларнинг ўзгариши оммадаги биз хоҳлаган нарсани, яъни омманинг

ўзгаришини ифодалагани учун ҳам улар билан алоҳида, хос муомала қилинади.

Хулоса шуки, бутун жамиятдан ўрганиб, текширавериш фикрати суғуриб олинади. Бу нарса ўрганиб-текшириш керак бўлган ёки керак бўлмаган нарсалар хусусида мисоллар келтириш билан бўлади. Агар бир нарсада ҳар икки ҳолат мавжуд бўлса, янада яхши. Жамиятдаги машҳур заковатлилар билан алоҳида ва хос муомала қилинса, иш енгиллашади. Муҳими – ўрганиб, текширавериш фикратини диллардан олиб ташлаш. Ишларни ўрганиб-текширилиши керак бўлган ва бўлмаган қисмларга ажратиш йўлидан бориладими, заковатлилар билан алоҳида ва хос муомала қилиш йўлидан бориладими, қайси йўлдан борилишидан қатъий назар, муҳими диллардан ана шу фикратни ўчириб ташлашдир.


Агар замин вужудга келса ёки вужудга келтирилса, уни вужудга келтириш билан боғланиш ишонч чегарасига етиб борса, иқлимни юзага келтириш осон кечади. Чунки сиз ўзингиз иқлимни пайдо қилолмасангиз ҳам, ўрганиб-текшириш бўлмаганлиги ва бўлмаслигига ишончнинг ўзи уни юзага келтиради. Бошқачароқ қилиб айтганда, замин вужудга келиши билан иқлим ҳам вужудга келади. Биз иқлимни, яъни ўрганиб-текширишга қарши умумий фикрни вужудга келтирамиз, деб ўзимизни қийнамаслигимиз, балки жамиятнинг, хусусан, заковатлиларнинг ўрганиб-текшириш фикратидан суғурилиб чиқишларининг ўзи билан кифояланишимиз лозим. Ҳамма нарсадан ўрганиб-текширавериш фикратини ўчириб ташлаш тамал тошидир. У қўйилса, ечим ҳам ҳосил бўлади. Қўйилмаса, ҳар қандай ечим зарар қилмаса ҳам беҳуда кетади.

ТОПҚИРЛИКНИНГ МОҲИЯТИ

Топқирликнинг асослари ва тафсилотларидан қатъий назар, унинг моҳияти тез фикрлаш ва тез ҳукм чиқаришдир. Аёлнинг амирул мўмининга эри ҳақида, кечаси намоз ўқиб, кундузи рўза тутади, дейиши, бу гапнинг шикоят эканлигини тез идрок қилиб, бу гап шикоят, деб тез ҳукм чиқариш топқирликдир. Амирул мўмининда топқирлик вужудга келмай қолиб, бу гапни, эрини мақташ, деб эътибор қилди ва ҳеч қандай ҳукм чиқармади. Турганлардан бирида топқирлик мавжуд бўлиб, аёлнинг эри ҳақидаги бу гапи уни мақташ эмас, шикоят эканини тез англаб, бу гап шикоят, деб тез ҳукм чиқарди.

Демак, топқирлик моҳияти гап ё иш ёки бошқа нарсани тез илғаб, у фалон деб тез ҳукм чиқаришдир. Мана, илғаб олиш ва ҳукм чиқаришдаги тезликнинг ўзи топқирлик. Гоҳида зехнга тез илғаб олишнинг ўзи тез ҳукм чиқариш бўлиб туюлади. Лекин воқе шуни кўрсатадики, тез илғаб олиш ҳукм чиқаришга замин ҳозирлаб беради, аммо у ҳукмнинг ўзи эмас. Бир шахснинг бир гапдан унинг шикоятлигини илғаб олиши, у шикоятдир, деб ҳукм чиқаришига замин, бироқ ҳукмнинг ўзи эмас, илғаб олиш, холос. То ҳукм содир бўлмай туриб, илғаб олишнинг ўзи ҳеч қандай ишни ҳам, жавобни ҳам тақозо қилмайди. Ҳукм юзага келгандагина иш ҳам, бошқа нарса ҳам ҳосил бўлади. Демак, асл ҳам, натижа ҳам илғаб олиш эмас, ҳукм. Илғаб олиш эса фақатгина ақлий жараён, холос. Топқирлиги бор киши аёлнинг эри ҳақида гапираётганини ва уни амирул мўмининга гапираётганини англади. Натижада унда бу гапнинг шикоят эканлигини англаб олиш борасидаги ақлий жараён ҳосил бўлди. Шунга қараб, у эридан шикоят қиляпти, деб ҳукм чиқарди. Демак, ҳукм илғаб олишнинг натижаси бўлди. Илғаб олиш эса ақлий жараён, холос. Шунга кўра, топқирлик ҳосил бўлиши учун тез ҳукм чиқариш ва ундан аввал тез илғаб олиш бўлиши шарт. Шунинг учун ҳам топқирлик тез илғаб олиш ва бевосита ундан кейин келадиган тез ҳукм чиқаришдир. Шу билан топқирлик пайдо бўлади. Унинг моҳияти тез илғаб олиш ва тез ҳукм чиқаришдир. Шу маънодаки, тез илғаб олиш ҳукм чиқариш ёки тез ҳукм чиқаришга замин ҳозирловчи бўлсин. Шу сабабли ундан кейин эмас, аввал келиши шарт. Унинг мавжудлиги ҳукмнинг мавжудлигини билдирса-да, барибир ҳукм ундан беҳожат бўлмайди.

Илғаб олиш қанчалик шарт бўлса, ҳукм чиқариш ҳам шунчалик шарт. Илғаб олиш вужудга келса, ҳукм чиқариш, албатта, вужудга келади. Демак, асл илғаб олишдир. Агар Умар ибн Хаттоб аёлнинг эридан шикоят қилганини илғаб олганида, уни, шикоят, деб

тинглаган бўларди. Лекин уни мақтов, деб тинглади. Шунинг учун ҳам шикоятига эътибор бермади. Натижада шикоят қаноатлантирилмасдан, ҳолат боягидек қолаверди. Чунки у арзини арз эшитувчи тушунадиган тилда баён қилмади. Шу туфайли арзига қулоқ солинмади. Унинг шикоятлигини ажратиб берувчи топқирлик вужудга келмай, у гўё бўлмагандек, эътиборсиз қолди. Шунга биноан, унинг шикоятлигини тушуниш учун унинг мақтаётгани эмас, шикоят қилаётганини илғаб олиш шарт. Бундай ҳоллар хусусан, очиқ шикоят қилишдан ёки шикоятига рад жавоби олиб қолишдан ҳижолат бўладиганларда кўп учрайди. Шунинг учун ҳам одамларнинг мақсадлари рўёбга чиқиши учун уларда топқирлик бўлиши шарт. Аёлнинг мақсади адолатсизликка барҳам бериш эди. Буни амалга ошириш амирул мўминининг вазифаси эди. Умар ибн Хаттоб нинг мақсади амирул мўминнинг эътибори билан одамлардаги адолатсизликка барҳам бериш. Бироқ у аёлнинг эридан шикоят қилаётганини тушунмади. Натижада унинг мақсади рўёбга чиқмади, яъни адолатсизликка чек қўйилмади. Эр боягидек, кечаси намоз ўқиб, кундузи рўза тутадиган бўлиб, аёл эса эр-хотинлик ҳаётидан маҳрум бўлиб қолаверди. Амирул мўминин шикоятни эшитдию, тушунмади. Оқибатда мақсади амалга ошмади, адолатсизликка чек қўйилмади. Демак, топқирликнинг бўлмаслиги адолатсизликнинг тугатилмаслиги ёки хатарга тушиб қолишга олиб боради. Шу сабабли топқирликнинг моҳиятини, унинг тез илғаб олиш ва тез ҳукм чиқариш эканини англаш шарт. Модомики, у шу гарзда тушунилмас экан, топқирлик вужудга келмайди. Оқибатда адолатсизликка барҳам берилмайди, хавф-хатарга юз тутилади. Шунга кўра топқирликни ҳосил қилиш учун унинг моҳиятини илғаб олиш шарт.

ТОПҚИРЛИКНИНГ УММАТГА ТАЪСИРИ


Умнат ўзидан низом келиб чиқадиган бир ақида асосида бирлашган одамлар мажмуаси демакдир. Модомики, умнатнинг таърифи мана шу экан, фақиҳлар ҳам хоҳ араб, хоҳ турк, хоҳ ажам бўлсин, умнат жумласидан. Чунки уларни ҳам ўзидан низом келиб чиқадиган ақида бирлаштириб туради. Амирул мўминин ҳам умнат жумласидан. Чунки уни ҳам одамлар билан ўзидан низом келиб чиқадиган ақида бирлаштириб туради. Одамлар орасидаги якка-якка шахслар ҳам умнат жумласидан. Уларни ҳам гарчи якка-якка бўлсалар-да, ўзидан низом келиб чиқадиган ақида бирлаштириб туради. Агар халқни миллатчилик ёки қабилачилик бирлаштирадиган бўлса, топқирлик гарчи шахслар орасида бўлса-да, бутун халқ учун мавжуд бўлмайди. Чунки халқнинг тушунчаси йўқ. Негаки, миллатчилик ва қабилачиликнинг ўзидан келиб чиқадиган ҳеч вақоси йўқ. Ўзидан тушунчалар келтириб чиқармайдиган нарса ҳаёт низоми бўлса, у ҳамма одамга бир услубда ўзини тақдим қилолмайди. Чунки уларнинг нарсани тушунишлари хилма-хил бўлади. Шунинг учун ҳам халқларда топқирликнинг таъсири бўлмайди. Чунки уларнинг низоми бўлса-да, у умумий тушунчадан келиб чиқмаган. У ҳаммада мавжуд бўлиши мумкин бўлса ҳам, умумий тушунчадан келиб чиқмагани учун уларда топқирлик ҳосил қилишга ярамайди. Демак, шахс ёки шахсларда топқирликни тарбиялаш учун уларни ўзидан низом келиб чиқадиган ақида бирлаштириб туриши лозим. Шунга кўра араб, турк ёки ажам бўлсин, уларнинг ҳаммасида ва ҳар бирида топқирлик вужудга келиб, уларга таъсир кўрсатиши мумкин эмас. Чунки уларни қон ва табиатдан бошқа боғловчиси йўқ. Бу икки боғловчидан низом келиб чиқмайди. Шунинг учун ҳам уларда топқирликни тарбиялаб бўлмайди. Демак, топқирлик халқларда эмас, умнатларда тарбия топиб, халқларга эмас, умнатларга таъсир кўрсатади. Шунга кўра, топқирликнинг тарбиялари таъсир кўрсатиши учун шахслар умнатнинг бир бўлаги бўлиши шарт. Токи уларнинг ақидасидан бир низом келиб чиқсин. Миллатчилик асосида бирлашган халқ сифатидаги арабларда топқирликни тарбиялаш ва топқирликнинг уларга таъсир ўтказиши мумкин эмас. Демак, топқирликни тарбиялаш ва унинг бир таъсири бўлиши учун ўзидан бир низом келиб чиқадиган ақида бўлиши даркор. Гап ёки иш адолатсизликка чек қўйиш ёки хатардан сақланиш тушунчаси сари йўналтирилади. Айнан мана шу тушунчада тез илғаб олиш ва тез ҳукм чиқариш ҳосил бўлади. Масалан, аёлнинг эридан шикоятини бир тушунчага боғлиқ. У аёлнинг инсофлилиги ва ҳаққини танишидир. Бу тушунча

ақидадан келиб чиққан тузумдан олинган. Агар шу тушунча бўлмаганида, топқирлик ва унинг таъсири қаердан ҳам бўлар эди?! Яна бир мисолдаги ҳайдовчининг суюқлик бензин эканлигини англаши бир тушунчага – хатарга тушиб қолмаслик тушунчасига боғлиқ. Агар у ўзини парво қилмайдиганлардан, деб фараз қилса, унда тушунча мавжуд бўлмайди. Бинобарин, парво қилмагани учун суюқликнинг нима эканлигини ҳам билмайди. Демак, илғаб олишга ундовчи ҳам, таъсир кўрсатувчи ҳам тушунчадир. Шунинг учун ҳам топқирликни тарбиялаб, унинг таъсирини вужудга келтириш учун бу иш умматда ва уммат шахсларида бўлиши, яъни қатъий ақидадан келиб чиққан тушунчада бўлиши лозим. Топқирликни тарбиялаб, унинг таъсирини вужудга келтириш умматда, яъни ўзидан низом келиб чиқадиган бир ақида асосида бирлашган одамлар мажмуасида бўлиши шарт. Айрим иқлимлардаги айрим одамларда топқирлик бўлиб кўринаётган нарса топқирлик эмас, тез мулоҳаза қилишдир, холос. Чунки топқирлик тез илғаб олиш ва қатъий ақидадан келиб чиққан тушунчага боғланган нарса устидан тез ҳукм чиқаришдир. Тез мулоҳазақорлик эса топқирлик эмас. Негаки, у нарсанинг тушунчага боғлиқлигини эмас, унинг ўзини тез мулоҳаза қилишдир, холос. У – гарчи топқирликка ўхшаса-да – аслида топқирлик эмас. У ҳамма одамда мавжуд бўлиши мумкин, топқирлик эса умматда тарбия топади ва умматга таъсир кўрсатади. Унинг умматда бўлиши таъсир кўрсатиш шартларидан бири. Айни пайтда у тарбия топиш ва вужудга келиш шарти ҳам. Чунки таъсирни вужудга келтиришнинг асосий шарти ўзидан тузумлар ва тушунчалар келиб чиқадиган ақидадир. Масалан, тез илғаб олиш ва тез ҳукм чиқаришни тарбиялаш иши бир тушунча асосида олиб борилиши керак. Бу тушунча ҳамма илғаб олаверадиган нарса бўлиши учун ҳамма эътиқод қиладиган ақидадан келиб чиқиши даркор. Бу нарса фақат умматда ҳосил бўлади. У ҳаммада мавжуд бўлса, таъсири ҳам ҳаммада бўлади. Шу туфайли топқирликнинг таъсирини фақатгина умматдан излаш керак. Халқ ёки бошқа вужудларда топқирликни тарбиялаш жуда оғир, бинобарин, унинг таъсири ҳам бўлмайди.

Ғарб исломий умматнинг ақида асосида бирлашганини идрок қилгач, ақидадан тушунчаларни ажратиб олишга уринди. Вақт ўтиши билан айримларини ажратиб олди ҳам. Натижада топқирликка эътибор берилмай қўйилиб, у йўқ бўлди, таъсири ҳам қолмади. Энди биз топқирликни дилларга қайтаришимиз учун тушунчаларни жонлантириб, уларни ақидага боғлашимиз, бошқачароқ қилиб айтганда, ақидани ҳаёт тушунчаларига – тузумларга боғлашимиз лозим бўлади. Ана шу пайтда одамларда

топқирлик вужудга келади, тарбияланади ва ўз-ўзидан таъсири ҳам бўлади.

Топқирликнинг – тез илғаб олиш ва тез ҳукм чиқаришнинг умматга таъсири унинг тушунчаларни қанчалик англаб олишига қараб бўлади. Бу иш эса тушунчани ақидага боғлаш билан амалга ошади. Ана шунда умматда топқирлик табиий ривожланиб, тушунча ақидага қанчалик боғланса, унинг умматга таъсири шунчалик ортиб бораверади. Сиёсий муаммолар, илм-маърифат муаммолари, уруш-мудофаа муаммолари кабилар ақидага боғлиқ бўлмаган инсоннинг ўзигагина, хатар ва ҳаётгагина алоқадор бўлган муаммолардир. Улар ҳақида, ақидага боғланмаган ҳамма ишлар, дейиш мумкин, бироқ воқега назар ташлайдиган бўлсак, улар инсонга алоқадор муаммолардир. Инсон эса, ҳаётнинг моҳиятини англаши учун бир асосга эга бўлиши керак. У – ақида. Шундан келиб чиқиб, мазкур ишлар ҳам ақидага боғланади. Шунга кўра, бу ишларда тез илғаб олиш, тез мулоҳаза қилиш ва топқирлик бор. Агар улар асосга, яъни ақидага боғланмасалар, уларда тез мулоҳаза қилишнинг ўзигагина бўлади, холос. Агар ҳаёт асосига, яъни ақидага боғлансалар, топқирлик ҳам вужудга келади.

Масалан, суоқликни кўриб, унинг бензин эканини англаб, уни йўлда давом этаверса келиб чиқиши мумкин бўлган хатарга боғлашда, агар боғловчи мусулмон бўлса, уни ақидага боғлайди, хатардан эҳтиётланиб, йўналишини ўзгартиради. Бу нарса техник тарзда бўлса ҳам, ақидага боғлангани учун у топқирликдир. Агар у мусулмон бўлмаса, уни ақидага боғламайди. Унда тез мулоҳаза қилишнинг ўзигагина ҳосил бўлади. Қандай қилиб бўлмасин, хатардан узоқлашади. Умар ибн Хаттоб  мисолида турганлардан бири аёлнинг гапи мақтов эмас, шикоят эканини англади. Бу англаш тингловчи амирул мўминин эканини, аёлнинг ўз эри хусусида гапирётганини нафл намоз ўқиш ва рўза тутиш каби Оллоҳнинг ҳаққидан кўра аёлнинг эри устидаги ҳаққи устунлигини белгилаб берадиган ақидага боғлашдан келиб чиқди. Бу тез мулоҳаза қилишнинг ўзигагина эмас, топқирлик ҳам. Чунки у ақидага боғланган.

Шу икки мисолдан топқирликнинг таъсири халққа эмас, бир ақида бирлаштирадиган умматга бўлиши очиқ кўриниб турибди. Одамларни бирлаштирувчи ақидага боғланмаган халқда эса топқирлик эмас, тез мулоҳазанинг ўзи бўлади, холос. Қачонки одамларда топқирликни вужудга келтириб, унинг таъсири бўлишини хоҳласак, уни халқда эмас, умматда амалга ошириш керак. Чунки бирлаштирувчи ақида бўлмаса, ҳеч қандай таъсир ҳам бўлмайди. Бу

нарса икки жиҳатдан жуда муҳим. Биринчиси, унинг топқирликни вужудга келтириш учун ҳаракат қилинаётгандаги лозимлиги. Иккинчиси, унинг одамларга таъсири жиҳати. Одамларга таъсири жиҳати кундай равшан. Негаки у одамларни бирлаштирувчи ақида буюрган нарсани идрок қилиш билан бўлади. Агар у нарса мавжуд бўлмаса, қандай қилиб унда ўзи учун эътиборли бўлган нарсани англаб олиш ҳосил бўлсин. Ахир унинг учун эътиборли бўлган нарсага далолат қиладиган нарса бўлмайди-ку! Шундай бўлгач, таъсир ҳам бўлмайди-да! Топқирлик учун илғаб олиш зарур. Илғаб олиш бўлмаса, тезлик бўлган тақдирда ҳам топқирлик вужудга келмайди. Зеро, топқирлик мақсадни тез илғаб олишдир. У фақат боғлаш билангина ҳосил бўлади. Тўғри, гоҳида у тингловчининг мақсадини тез илғаб олишдан ҳам ҳосил бўлади. Лекин бу иш топқирлик эмас, тез мулоҳазакорлик ҳисобланади. Масалан, кимлигингизни билмоқчи бўлган одам сизга савол ташлади. Сиз ҳолатнинг ўзидан бу саволга ўзингизни танитадиган бир жавоб беришингизни хоҳлаётганини дарҳол англаб оласиз-да, зудлик билан унга уни мақсадига олиб бормайдиган жавобни берасиз. Чунки сиз ҳолатни саволга боғлаб, унинг мақсадини илғаб олдингиз. Лекин бу нарса топқирлик эмас, тез мулоҳазакорлик, холос. Чунки тез илғаб олишингиз сиз билан уни боғлаб турадиган ақидадан келиб чиққан нарсани эмас, унинг мақсадини билганингиздан ҳосил бўлди. Шунинг учун ҳам бу илғаб олиш топқирлик эмас, тез мулоҳаза қилишдир. Чунки у ақидага ҳам, ақидадан келиб чиққан нарсага ҳам боғланмаган.

Шунга кўра, ақидага ва ақидадан келиб чиққан нарсага боғламасдан мақсадни билиш ноқис билишдир. Чунки у ҳолатнинг ўзидан ёки бошқа нарсалардан олиняпти, холос. Унинг натижаси тўғри бўлиши ҳам, нотўғри бўлиши ҳам мумкин. Шу сабабли у ноқис бўлиб, топқирликка эмас, тез мулоҳазакорликка олиб боради. Негаки у сиз билан уни бирлаштириб турадиган ақидага боғланмаган. У умуман ҳеч нарсага боғланмаган. Боғланган тақдирда ҳам ақидадан бошқасига боғланган. Унинг тез илғаб олиши тўғри бўлганда ҳам тез мулоҳазакорлигича қолади. Чунки у ақидадан келиб чиққан нарсани эмас, воқени тез илғаб олишдир.

Сўзловчининг мақсадини билиш тез мулоҳазакорликдан ҳосил бўлмайди. Чунки у нуқсонли билишдир. У боғлашдан ҳосил бўлади. Сўзловчининг мақсадини тез англатадиган, бинобарин, топқирликни берадиган омил мана шу боғлашдир. Воқе мана шу. Бу нарса таъсир халқда эмас, умматда бўлишига далолат қилади.

Хулоса шуки, топқирликнинг одамларга таъсири воқени тез англашларини ақидага ва ақидадан келиб чиққан нарсага боғлашларидан келиб чиқади. Ёлғиз воқени англаш тез мулоҳазакорликни беради, холос. Мақсад ҳамма ҳолатда билинса-да, топқирликни берадиган омил уни ақидага боғлашдир. Сўзловчининг мақсадини билиш ақидага ва ақидадан келиб чиққан нарсага боғланса, тўғри ва мукамал билиш бўлади. Боғланмаса нуқсонли билиш бўлади.

Шунинг учун ҳам икки иш бўлиши зарур. Бири воқени тез идрок қилиш. Бу нарса тез мулоҳазакорликни вужудга келтиради ва у умматда ҳам, халқда ҳам бўлаверади. Иккинчиси, уни ақидага ва ақидадан келиб чиқадиган нарсага боғлаш. Бу нарса фақат умматга хос. Топқирликни аниқ мана шу нарса вужудга келтиради. Шунинг учун ҳам таъсирни халқда эмас, умматда бўлишини мақсад қилиш керак. Чунки у умматга очиқ таъсир кўрсатади. Кейин унда топқирлик табиийга айланади. Негаки боғлаш топқирлик заруратларидан бири. Ақидага боғлашсиз топқирлик бўлмайди. Шу туфайли умматга таъсир қилиш ақида йўлидан ёки ундан келиб чиқадиган ҳукм ва фикрлар йўлидан мақсад қилинмоғи лозим.

ТОПҚИРЛИК БИЛАН ТЕЗ МУЛОҲАЗАКОРЛИК ЎРТАСИДАГИ ТАФОВУТ

Топқирлик ҳам, тез мулоҳазакорлик ҳам бир ишдан – тез англаб олишдан ҳосил бўлади. Лекин топқирлик ўз натижалари билан келади. Бир аёл Умар ﷺга: «Эрим кечаси намоз ўқиб, кундузи рўза тутади», деди. Яна бир аёл Пайғамбар ﷺга олма берган эди. У киши олмани икки бўлакка ажратиб, бир бўлагини унинг ўзига бердилар. Умар ﷺга шикоят қилган аёлнинг мисолида ўша ердаги бир аъробий аёлнинг эрини мақтаётганини эмас, эридан шикоят қилаётганини тушунди. Шу ишнинг мақтов эмас, шикоят эканини англаш топқирликдир. Пайғамбар ﷺга олма берган аёл эса ўзини ҳайзда эканини билдирмоқчи бўлди. Пайғамбар ﷺ унинг мақсадини тушуниб, шунга яраша жавоб қилдилар. Бу топқирлик эмас, тез мулоҳазакорлик. Чунки пайғамбар ﷺ унинг олма берганининг ўзидан ҳайзни назарда тутаётганини тушундилар. Бу иш гарчи тез идрок қилиш асосига қурилган бўлса ҳам, тез мулоҳазакорликдир. Демак, тез мулоҳазакорлик ҳам, топқирлик ҳам сўзлаётган ёки ишлаётган одамнинг мақсадини тез тушунишдир. Лекин бу иккисининг ўртасида фарқ бор. Топқирликда сўзловчининг ёки ишловчининг сўзи ёки ишидаги мақсадида бир неча далолатлар бўлиб, сиз улардан бирини тушуниб оласиз. Тез мулоҳазакорликда эса яширган гапи ёки ишида фақат биргина мақсад бўлиб, сиз уни тушуниб оласиз. Шундай қилиб, тез илғаб олинган сўз ёки ишда топқирлик ва тез мулоҳазакорлик муштарак бўладилару, кейин ажраладилар. Сўзловчи ёки ишловчи яширган гапи ёки ишида битта нарсани мақсад қилган бўлса, бу тез мулоҳазакорликдир. Бир неча ишларни мақсад қилган бўлса, бу топқирликдир. Сўз ёки ишни ўраш тез мулоҳазакорликка, мақсадни ўраш эса топқирликка олиб боради. Ҳар иккиси ҳам, яъни топқирлик ва тез мулоҳазакорлик фақатгина тез фикрлашдан вужудга келиши мумкин. Шунинг учун ҳам улар фақат заковатлилардагина мавжуд бўладилар. Тез илғаб олиш ё тез мулоҳазакорликка ёки топқирликка олиб боради. Агар ўраш ёки ноаниқ қилиш гап ёки ишда бўлса, у тез мулоҳазакорлик бўлади. Агар ўраш ёки ноаниқ қилиш мақсадда бўлса, у топқирлик бўлади. Шунга кўра Умар ﷺга, эрим кечаси намоз ўқиб, кундузи рўза тутади, деган аёл мақсадини ўраб, ноаниқ қилди. Пайғамбар ﷺга олма берган аёл эса мақсадини эмас, ишини ўради. Яъни мақсад эмас, иш ноаниқ бўлди. Шунинг учун ҳам бу иш тез мулоҳазакорлик ҳисобланади. Умар ﷺга шикоят қилган аёлники эса топқирликдир. Бу иккисининг ўртасидаги фарқ – мана шу. Қаердаки, мақсад ноаниқ бўлса, у топқирлик бўлади. Қаердаки, сўз ёки иш ноаниқ бўлса, у тез мулоҳазакорлик бўлади. Асл мақсад тез мулоҳазакорликни эмас, топқирликни тарбиялашдир.

ТОПҚИРЛИКНИ ВУЖУДГА КЕЛТИРИШ УСУЛИ

Топқирликни ё шахсларда, ё умматда вужудга келтириш учун ҳаракат қилинади. Унинг шахсларда вужудга келгани умматда вужудга келгани эмас. Умматда вужудга келгани эса ўз-ўзидан шахсларда ҳам вужудга келганидир. Чунки уммат ўзидан ҳаёт низоми келиб чиқадиган ақида асосида бирлашган шахслар мажмуидир. Шунинг учун ҳам топқирликни одамларда ва ҳатто якка-якка шахсларда вужудга келтириш бутун умматда вужудга келтириш иши бўлиши керак. Сиз топқирликни умматда пайдо қилиш усулидан гапиринг. Унинг якка шахсларда ҳосил бўлиши ҳам шу жумладан. Топқирликни умматда вужудга келтириш ақидани фақатгина асос баҳси бўлиб қолишдан сиёсий фикрат ёки сиёсий фикр бўлишга олиб ўтиш билан бошланиб, то ундан келиб чиқадиган ҳукмлар ва унинг устига қуриладиган ҳукмларгача етиб борилади. Мана шу ерга етганимизда тез идрок қила бошлаймиз. Аввало ақидани, кейин эса унинг устига қурилган фикрларни сиёсий фикрга айлантиришдан бошлаш керак. Ундан келиб чиқадиган ҳукмларнинг сиёсий фикрларга айланиши эса ақиданинг сиёсий фикрга айланишидан ҳосил бўлаверади. Хоҳ ақидадан бошланг, хоҳ ундан келиб чиққан ҳукмлардан бошланг, ҳар ҳолда асос шу. Масалан, исломий ақиданинг «Оллоҳдан ўзга илоҳ йўқ. Муҳаммад Унинг пайғамбаридир» бўлишининг маъноси: Оллоҳдан ўзга маъбуд йўқ, деганидир. Сиз уммат ишларини ва ўзингизнинг ишларингизни шу ақида асосида бошқарасиз-да, Оллоҳдан бошқасига банда бўлишга, Оллоҳдан бошқасига ибодат қилишга рози бўлмайсиз. Бу нарса уммат орасида, одамлар орасида сизнинг мартабангизни кўтаради. Чунки улар Оллоҳни кўрмайдилар, унинг моҳиятини билмайдилар. Улар танийдиган одамларга қуллик қилишдан бош тортишингиз уларга катта иш бўлиб туюлади. Шу билан уларнинг назарида юксаласиз. Оллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, дегани, Оллоҳдан ўзга маъбуд йўқ, деганидир. Агар у сиёсий фикратга айланса, сизнинг одамларга бўлган қарашингизни ва одамларнинг сизга бўлган қарашларини ўзгартириб юборади. Агар «Муҳаммад Оллоҳнинг пайғамбаридир» тарафига ҳам ўтиб, у киши Оллоҳ томонидан олиб келган шаръий ҳукмларга рия қилсангиз, ҳамма ишларингизни унинг асосида бажариб, одамларни ҳам шундай қилишга ундасангиз, ақидани сиёсий фикратга ёки сиёсий фикрга олиб ўтган бўласиз. Ақидадан бошлаб, уни сиёсий фикрга айлантирганингизда шундай бўлади. Ҳукмлардан бошласангиз, топқирликни вужудга келтириш янада енгилроқ, янада яқинроқ бўлади. Чунки сиз билан одамлар орасини бирлаштирадиган омил ақида бўлгани билан, бу иш ундан келиб чиқадиган ҳукмлар

воситасида юз беради. Сиз уларнинг иймонларига таяниб туриб, шу ҳукмларни ушласангиз, воқенинг ўзи тез идрок қилиш ва тез боғлашга далолат қилади. Умар ибн Хаттоб ҳузуридаги аёл шикоятини эшитган киши исломий ақидага эътиборини қаратгани йўқ. Чунки у аёлнинг ҳам, амирул мўминининг ҳам эътиқодли эканликларини биларди. Шунинг учун ҳам у ақидадан келиб чиққан ҳукм, яъни аёлнинг ҳаққи Оллоҳнинг (нафллардаги) ҳаққидан муқаддамлигига эътиборини қаратди. Шу билан кифояланиб, ўзидаги тез мулоҳазакорликни мана шу ақидадан келиб чиққан ҳукмга боғлади. Шу боғлаш билан унда топқирлик вужудга келди. Ақидага боғлашга эътиёж сезмади. Чунки у шу ақидадаги аёлнинг шу ақидадаги амирга шикоят қилганини биларди. Бу кишида аввал ақида, кейин шаръий ҳукм билан боғлаш эмас, бевосита шаръий ҳукмнинг ўзи билан боғлаш топқирлиги бор эди. Шунинг учун ҳам топқирликни ақидадан келиб чиқадиган шаръий ҳукмлардан вужудга келтириш етиш осонроқ ва яқинроқ бўлган йўлдир. Шунга кўра, одамларда топқирликни пайдо қилиш шаръий ҳукмларни ишларни бошқарадиган сиёсий фикрларга айлантириш билан бўлади. Иш фақат шу билан юритилади. Лекин бу иш одамларнинг ўзидан шаръий ҳукмлар келиб чиқадиган ақидага бўйсунилларини билишга боғлиқдир. Масалан, сиз Мисрда одамларни бошқармоқчисиз. Миср аҳли мусулмонлар. Уларнинг ҳаммаси исломий эътиқодда. Шундай бўлгач, шаръий ҳукмларни сиёсий фикрларга айлантиришининг ўзи билан топқирлик вужудга келаверади. Шу ишни Францияда қилмоқчи бўлсангиз, у ердаги аҳоли исломий эътиқодда бўлмаганлиги сабабли, аввало Ислом ақидасини сиёсий фикрга айлантириш йўлидан борасиз. Ана шунда асталик ва кўп уриниш билан топқирлик пайдо бўлади. Демак, Францияда ишлаш билан Мисрда ишлаш орасида фарқ бор. Модомики, биз Ислом диёрларида топқирликни ҳосил қилмоқчи эканмиз, гапимиз фақат ақидадан келиб чиқадиган ҳукмлар борасида бўлади. Чунки топқирликни вужудга келтиришнинг энг осон ва энгил йўли мана шу.

Одамларда топқирликни вужудга келтириш учун энг аввало ишни шаръий ҳукмларни сиёсий ҳукмларга айлантиришдан бошлаш керак. Бу энгил ва қулай йўл. Зеро, одамлар исломий ақидага эътиқод қиладилар. Унга ва унинг ҳукмларига бўйсундилар. Шундай бўлгач, сизнинг вазифангиз уларга бу шаръий ҳукм, ақидага бўйсуниш қанча вожиб бўлса, ундан келиб чиқадиган ҳукмларга ҳам бўйсуниш шунчалик вожиб, чунки иймон ва куфр шаръий ҳукмларга боғланиш ёки боғланмаслик билан бўлади, деган фикратни юзага келтириб бериш бўлиб қолади, холос. Одамларда шу нарса вужудга келса,

ҳукмларни сиёсий фикрга айлантириш уларнинг ўзларига боғлиқ бўлиб қолади. Уларнинг ўзлари шаръий ҳукмларни сиёсий фикрга айлантирадилар. Сизнинг ишингиз танбеҳ беришу йўл кўрсатиш бўлиб қолади, холос. Шунга кўра шаръий ҳукмларни сиёсий фикрларга айлантириш ҳамма одам учун осон ишдир. Чунки бу иш мулоҳаза ва йўлланмага муҳтож бўлади. Масалан, умумий эркинликларни олайлик. Агар одамлар бунинг ақидага зидлигини ёки унинг ақидадан келиб чиқмаганини кўрсалар, ортиқча уринмасдан осонгина тарк қиладилар. Аммо уларда бу иш ақидадан келиб чиққан ёки ақидага зид эмас, деган тушунча ҳамон мавжуд бўлса, гарчи у сиёсий фикрга айланган бўлса-да, уни тарк қилиш осон кечмайди. Чунки бу иш уларнинг ақидасига боғлиқ. Шунга кўра унинг ақидага зидлигини, ақидадан келиб чиқмаганини фаҳмлашлари шарт. Бусиз улар умумий эркинликларни тарк қилмайдилар. Насронийнинг кофирлиги, ароқнинг ҳаромлиги, ғарблик ёки шарқлик бўлишидан қатъий назар кофирларнинг ҳукмрон бўлиши жоиз эмаслиги, ҳокимнинг шаръий ҳукм билан иш юритиши фарзлиги каби ишларнинг ҳаммаси ақидага боғлаб олиниши билан англаб олинадиган осон ишлардир. Масалан, Оллоҳ Таолонинг:

﴿لَقَدْ كَفَرَ الَّذِينَ قَالُوا إِنَّ اللَّهَ هُوَ الْمَسِيحُ ابْنُ مَرْيَمَ﴾

– „*Оллоҳ – Масийҳ бинни Марям*», деган кимсаларнинг кофир бўлганликлари аниқ“, [5:17]

оятни мусулмоннинг насронийни кофир, деб эътибор қилишига;

﴿فَهَلْ أَنْتُمْ مُنْتَهُونَ﴾

– „*Энди тўхтарсизлар!*“, [5:91]
оятни ароқни ҳаром, деб билишга;

﴿وَلَنْ يَجْعَلَ اللَّهُ لِلْكَافِرِينَ عَلَى الْمُؤْمِنِينَ سَبِيلًا﴾

– „*Ва Оллоҳ ҳаргиз кофирлар учун мўминлар устига йўл бермагай*“, [4:141]

оятини шарҳи билан билиш кофирларнинг ҳукмрон бўлиши жоиз эмаслигини қатъий билиб олишга;

﴿فَلَا وَرَبِّكَ لَا يُؤْمِنُونَ حَتَّى يُحَكِّمُوكَ فِيمَا شَجَرَ بَيْنَهُمْ﴾

– „*Йўқ, Парвардигорингизга қасамки, то улар ўз ўрталарида чиққан келишмовчиликларда сизни ҳакам қилмагунларича зинҳор мўмин бўла олмайдилар*“, [4:65]

﴿وَمَا آتَاكُمُ الرَّسُولُ فَخُذُوهُ وَمَا نَهَاكُمْ عَنْهُ فَاتْتَهُوا﴾

– „Пайғамбар ўзи сизларга ато этган нарсани олинглар, у зот сизларни қайтарган нарсадан қайтинглар“, [59:7]

оятлари ҳокимнинг шаръий ҳукм билан иш юритмаслигини гуноҳ ёки куфр, деб эътиқод қилишингизга кифоядир.

Ислом диёрларида ишларни бошқариш шаръий ҳукмлар йўлидан борса, ўта осон бўлади. Йўлнинг боши шу бўлса, муваффақият қозониш енгил ва кафолатли бўлади. Шунинг учун ҳам одамларда топқирликни вужудга келтириш енгил кечади. Чунки иш шаръий ҳукмларни сиёсий фикрларга айлантиришдан бошланади. Бу енгил ва қулай ишдир. Энди иккинчи иш қоляпти. У тез мулоҳазакорлик ёки воқени тез илғаб олиш. Бу иш юзага келтириш ва тарбияга муҳтож. Эътибор беришнинг ўзи кифоя қилмайди. Воқени тез илғаб олиш, яъни тез мулоҳазакорликни вужудга келтириш билан топқирликни вужудга келтириш ўртасида фарқ бор. Юқорида айтиб ўтганларимиз, гарчи топқирликни вужудга келтириш борасида айтилган бўлса-да, тез мулоҳазакорликни пайдо қилишга қаратилган. Чунки топқирликни вужудга келтирадиган омил унинг ўзи. Гарчи у бирламчи марказ бўлса-да, топқирлик борасида иккинчи даражали, деб эътибор қилинади. Чунки уни ақидага, ақлдан келиб чиқадиган шаръий ҳукмларга боғлаш топқирликни вужудга келтиради.

Тез мулоҳазакорликни пайдо қилишнинг ўзи кифоя қилмайди. У бирламчи марказ бўлса ҳам, топқирликни вужудга келтирмайди. Сўзловчининг мақсадини билиш ҳам шарт. Бу мақсад унинг ўзи тушунаётган ва уни ақидадан келиб чиққан деб билаётган шаръий ҳукм билан боғланишдан англанади. Шунга кўра уни боғлаш ва мақсадни билиш учун бирлаштирувчи омилнинг бўлиши шарт. Ана шунда тез мулоҳазакорлик деган нарсга юзага келади. Айтилаётган гап, бўлаётган воқеликнинг ўзи тез мулоҳазакорликни вужудга келтирса-да, модомики у бирлаштирувчи омилга боғланмас экан, тингловчиларда топқирлик ҳосил бўлмайди.

Шунга кўра Исломий умматдек бир уммат фикратни исломий фикрга айлантириш имконини қилолса, кундалик воқеалар ақидадан келиб чиққан ҳукмларга боғланиб, унда топқирлик юзага келади. Демак, масала гарчи сиртдан воқени тез илғаб олиш, яъни тез мулоҳазакорликни вужудга келтиришга алоқадор кўринса-да, аслида фикратни ва шаръий ҳукмни сиёсий фикрга айлантиришга алоқадор бўлган топқирлик масаласидир. Шунинг учун ҳам биз тез мулоҳазакорлик ёки воқени тез илғаб олиш деган нарсаларга парво қилмай, бор эътиборимизни исломий фикратни ва шаръий ҳукмларни сиёсий фикрга айлантиришга қаратамиз. Шунга биноан, умматда ёки шахсларда топқирликни вужудга келтириш энг аввало исломий

фикрни сиёсий фикрга айлантириш билан бўлади. Топқирликни вужудга келтириш қанчалик шарт бўлса, бу ишни Ислоом асосида қилиш шунчалик шарт. Демак, биринчидан исломий фикр, иккинчидан уни сиёсий фикрга айлантириш ва ундан кейин топқирликни вужудга келтириш. Масалан, кофирларнинг кофир бўлганлари учун улар билан жанг қилиш оддий бир иш ва у – шаръий ҳукм. Жизя олиш эса – жанг қилишдан қайтариш. Тинчликни хоҳлаганлари учун улардан жизя олинади. Демак, тинчликни хоҳлаган кофирлардан жизя олинади, урушни хоҳлаган кофирлар билан жанг қилинади. Бу бир исломий фикр бўлиб, аввало, уни қачон жанг қилишу, қачон омонлик бериш маълум бўлгандан кейин фикҳий фикрга эмас, сиёсий фикрга айлантириш ирода қилинганда топқирлик керак бўлади. Уларнинг аҳволларини билиш учун топқирлик зарур. Бу нарса уларнинг ишларидан ёки гапларидан ҳосил бўлади. Шунга кўра, фикрни биринчидан исломий, иккинчидан сиёсий қилиш, ундан кейин топқирликни вужудга келтириш шарт. Топқирлик қанчалик шарт бўлса, Ислоом асосида, яъни шаръий ҳукм асосида бўлиши ҳам шунчалик зарур. Ундан бошқаларини эса – гарчи уларни ҳам топқирлик деб номлаш мумкин бўлса-да – биз уларни қабул қилмаймиз, улар билан ишимиз бўлмайди. Биз фақат исломий фикрни қабул қиламиз, қолгани билан ишимиз йўқ. Ислоомий фикр асос бўлиб, топқирлик унинг таркибий қисмидир. Ҳатто, кўчадаги бензинни кўриш ҳодисасида ҳам топқирлик унинг бензин эканини илғаб олишдан ҳосил бўлса-да, хатар ва уни тасаввур қилиш исломий фикрдан, яъни Оллоҳ Таолонинг хатардан қайтарганлигидан келиб чиқиши шарт. Биз хатардан саломат қолиш учунгина эмас, шариатнинг ҳукми шу бўлгани учун қочамиз. Бошқа мисоллар ҳам шундай. Демак, энг аввало исломий фикр бўлиб, ундан кейин топқирлик юзага келади.

24 зулқаъда 1396ҳ
16 ноябр 1976м

